

# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@mcs.uz 2013 yil 20 dekabr • №51 (4242)

## ҚУЁШГА ҚАРИНДОШ ШАҲАР



Бугунги Тошкент. (ЎзА).

**Миллий тараққиётнинг янги марраларига эришиш, Ватан ободлиги, халқ саломатлиги, фарзандларимиз баркамоллигини таъминлаш, ички ва ташқи сиёсатдаги барқарорлик Ўзбекистонда ўзига хос ривожланиш йўлларининг энг муҳим йўналишларини ташкил этади. Юртбошимиз Конституциямиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш ва обод қилишга доир ишларимизни янги босқичга кўтариш мақсадида амалга оширилган тадбирлар самарасини таҳлил этар экан, "Жорий йилда обод ҳаётнинг асосий шарти бўлган аҳолининг реал даромадларини ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, янги-янги иш ўринлари яратиш, социал масалаларни ечиш борасидаги ишларимизни изчил даом эттирдик", деб таъкидлади. Бу борада тилга олиб ўтилган бунёдкорлик ишларининг барча жиҳатлари бевосита мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрига ҳам хосдир.**

### Ватан обод — кўнгил обод!

Менга юртимизнинг ҳар тупроғи — қишлоғу кенти азиз. Аммо кўз очиб илк бор таниганим шаҳри азим Тошкент бўлгани учун унга меҳрим бўлакча. Туғилган манзилим Эски шаҳарнинг Тахтапул мавзесидаги аввал "Қизил қўшин", ҳозирда "Намуна" маҳалласининг Нодира номли кўчасида. Ҳаётимнинг болалик ва навқиронлик паллалари шўро даврида кечди. Ўрта ёш сурурини Истиқлол йилларида сурмоқ насиб этаяпти. Билагимга куч кириб, эс-ҳушимни таниганимдан бошлаб уйимиздан тўрт юз-беш юз одим наридаги водопроводдан челаклаб сув ташиб, эрта баҳордан нураб-тўкилиб тушган ҳовли-уй деворимизни сувоқлаб, ямаб-ясқаб, оқлаб-кўклаб неча йилларни ўтказдим. Шоир "Ҳар баҳор ҳам шу бўлар такрор" дея ишқ, нафосат, эҳтирос туйғуларидан куйласа, камина ва ўзим тенги кўчадошлар пастликда жойлашгани учун сув кетмай ҳалқобланиб, бутун захи уриб нурайверадиган деворларга қараб ўша қўшиқни хиргойи қилардик. Уйда кир ювилса, мағзава тўкадиган ўра йўқ (чунки ўра қилинса, уям каталакдек ҳовлини бешбадтар зах бостириб юборар эди) яна уч-тўрт юз одимлаб юқорирокда машина йўли бўйидаги очиқ чиқиндихонанинг бир чеккасига ўтиб тўкиб келинар, маҳалла раиси кўриб қолса, "онангни"лаб қолади дея ҳадикда қўрқа-писа, уёқ-буёққа оларак, жон ҳовучлаб челак бўшатилар эди. Гоҳи чиқиндилар ҳафталаб олиб кетилмай, росмана кўчанинг ярмини эгаллаб олар, ўтган ҳам, кетган ҳам бурун жийириб, таъби хира тортиб кетарди. Чунки бори маҳаллага иккита қутидан иборат чоққина тўкинди бурчаги хизмат қиларди. Чор атроф эса бари аҳоли яшайдиган хонадон, мактаб, чойхона ва ҳоказо. Яна шу чиқиндихона қаршисида "Кайковус" ариғининг бир ирмоғи — кун илиди дегунча ўзимиз қатори болалар баримиз шу ариқда чўмиламиз, қуёшда тобланамиз. Кунимиз чиқинди ҳидлаб ўтади. Ҳай, ёш экансиз билинмас экан, аниқроғи эътибор қилмас эканмиз. Балки шу турмуш-ҳол сабабдир ўша тенгқур жўраларимнинг аксарияти то ҳануз не бир хасталик азобини чекиб юрибдилар.

Давоми иккинчи саҳифада.

## ЭЗГУ СЎЗ ВА ЭЗГУ АМАЛ ТАРАННУМИ

**Алишер Навоий ижодининг маърифий, таълим-тарбиявий аҳамияти шундаки, улуғ ижодкор ўз асарларида муайян бир мақсадни назарда тутиб, қолаверса, олға сурган фикрларини, ғояларини асослаш, далиллаш ва изоҳлашда тарихий, бадиий, сиёсий, диний, дидактик китоблар номларини алоҳида таъкидлаб ўтади.**

### Навоий гулшани

Ана шундай қадим манбалардан бири "Авесто"дир. Юртбошимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида ёзганидек, "Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган бу каби тарихий ёдгорликлар орасида бундан қарийб уч минг йил муқаддам Хоразм воҳаси ҳудудида яратилган "Авесто" деб аталган бебаҳо маънавий обида алоҳида ўрин тутади". Дарҳақиқат, бу бебаҳо маънавий обиданинг ўз замонида улуғ шоиримиз томонидан ёдга олингани эътиборга моликдир.

Таниқли олима Суйима Ғаниева ғайрат кўрсатиб Алишер Навоийнинг 20 жилдли асарлар тўплами нашридаги матнлар асосида улуғ шоир ёдга олган 231 та асарни жамлаб, номи ва қисқа изоҳи билан гўзал бир шаклида "Навоий ёдга олган асарлар" рисоласини ёзди. Шоир ижодига ҳамда ушбу рисолага асосланиб айта оламизки, инсоният тарихида яратилган кўплаб китобларни ёдга олишга ҳаракат қилган Навоий яхши китобхон сифатида ҳам қалам аҳлига устоздир. Лекин Навоий ёдга олган бир китоб номи С.Ғаниева назардан четда қолган. Бу тарихий-адабий муштарак ёдгорлик — "Авесто"нинг сосоний ҳукмдорлари томонидан паҳлавий тилида қайта тикланган китоби, тафсири "Занд"дир. "Занд"(зинд, жанд, позанд, пожанд)нинг луғавий маъноси "баён қилиш", "изоҳлаш" демакдир.

Давоми учинчи саҳифада.

## ҲАҚИҚИЙ ИЛМ БАҲСЛАРДА ТУҒИЛАДИ

Мамлакатимиз миқёсида илмий-назарий анжуманлар ташкил этилиб, адабиётшунос олимлар, тадқиқотчилар билан мулоқотлар уюштириш, ижодий-илмий мунозаралар ўтказиб туриш Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида яхши бир анъанага айланган. Ўтаётган 2013 йил мобайнида ҳам институтда турли мавзуларга бағишланган ана шундай тадбирлар бўлиб ўтди. 2013 йил 24 апрел куни ўтказилган илмий конференция ўзбек адабиётшунослигида алоҳида из қолдирган икки олима: филология фанлари доктори, профессор Н.Владимирова ва филология фанлари номзоди Машҳура Султонованинг илмий-ижодий меросига бағишланди. Унда адабиёт илмининг турли йўналишларида тадқиқот олиб бораётган олимлар, тадқиқотчилар илмий маърузалари билан қатнашдилар. Кўзда тутилган мақсадга мувофиқ анжуман материаллари "Ўзбек адабиёти масалалари" (2013, 282 бет) номида алоҳида тўплам шаклида чоп этилди.

### Адабий жараён




Китоб Н.Каримовнинг олима Н.Владимирова ҳаёти ва ижоди ҳақидаги ихчам, мазмунли кириш сўзи билан очилади. Тўпламда жами эллик нафар муаллифнинг XX аср ўзбек адабиёти, ҳозирги адабий жараён, ўзбек ва қардош халқлар адабиёти, ўзбек мумтоз адабиёти тарихи, фольклоршунослик йўналиши муаммоларига бағишланган тадқиқотлари жамланган.




Давоми учинчи саҳифада.

## НУТҚ ЖОЗИБАСИ ИБОРАЛАРДА

Ҳар бир тилда нутқнинг жозибали, таъсирли чиқиши учун хизмат қиладиган иборалар мавжуд. Уларни Европа олимлари фразеологизм деб атайдилар. Бундай бирикмалар фикрни ихчам, образли, лўнда ифодалашга ёрдам беради. Афғонистондаги ўзбеклар нутқида ишлатиладиган бундай иборалар юқоридаги фикрни тасдиқлайди: *қурут эзмоқ* — кўп гапирмоқ, *шох чиқармоқ* — мағрур бўлмоқ, *сутдан оқ, сувдан тиниқ* — жуда покиза, *гиламини йиғмоқ* — ишини йиғиштирмоқ, *сувга суянмоқ* — асоссиз нарсага ишонмоқ. Олим ва ёзувчи Муҳаммад Ҳалим Ёрқин кўп йиллар давомида Шимолий Афғонистоннинг Сарипул, Жузжон, Балх вилоятларида яшовчи ўзбеклар тилида ишлатиладиган мажозий бирикмаларни йиғиб Теҳронда луғат ҳолида нашр этди. "Ўзбек тили фразеложик сўзлиги"да жами уч мингга яқин кўчма маънодаги бирикмалар йиғилган. Китоб икки қисмдан иборат: 1.Кириш (5 — 20-бетлар); 2. Луғат(21 — 438-бетлар).



Кириш қисмида олим ушбу луғатни тайёрлашда ўзбек ва турк олимларининг бу соҳадаги ютуқларидан унумли фойдаланганлигини мамнуният билан қайд этади. Иборалар луғатга араб алифбоси бўйича жойлаштирилган. Минг йиллар мобайнида халқнинг урф-

### Ўзбеклар ва дунё

одат, расм-русумлари давомида шаклланган бундай халқона бирикмалар хусусиятидан келиб чиқиб, айрим ҳарфларга кўп(масалан, *б* ҳарфига 43 бет), айримларига кам(масалан, *т* ва *ғ* ҳарфларига 3 бет) жой ажратилган. Луғат мақолалари содда тузилган. Изоҳланаётган ибора аввал арабий, сўнгра лотин ёзувида берилган. Бирикма маъноси ва мисоллар араб ёзувида ёзилган.

Давоми иккинчи саҳифада.

## "ТОНГ ОТГАН ТАРАФЛАРДА"

### Тақдимот

Ўзбек Миллий академик драма театрининг репертуари халқона руҳ, миллий қадриятлардан сўз очувчи янги саҳна асари билан бойиди. Мазкур спектакл "Тонг отган тарафларда" номи билан саҳнага қўйилиб, кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилди. Таъкидлаш лозимки, олис ўтмиш билан боғлиқ, қадим ривоятларни, фалсафий мушоҳада ва тафаккур эврилишларини соғинган мухлислар учун ушбу спектакл ўзига хос туҳфа бўлди. Асарни саҳналаштириш ёш режиссёр Асқар Холмўминовга ишониб топширилгани ҳам театр жамоаси ёш авлод вакилларига кенг йўл очиб бераётганидан далолат.



Давоми бешинчи саҳифада.

## АДАБИЙ ЖАРАЁН ТАҲЛИЛИ

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида уюшма фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али 2013 йил мобайнида амалга оширилган ишлар ҳамда олдиндаги режалар ҳақида маълумот берди.**

Ёзувчилар уюшмаси томонидан жорий йилда бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, феврал, март ойларида уюшма ижодий кенгашларининг йиллик ҳисобот йиғилишлари ўтказилди. Уларда турли жанрлар бўйича йил давомида газета ва журналлар орқали эълон қилинган, нашриётларда нашр этилган асарлар таҳлил этилиб, жамоатчиликка маълум қилинди. Феврал ва апрел ойларида "Маънавият ҳафталиклари" доирасида ташкил этилган "Бадиий китоблар тарғиботи" тадбирлари барча вилоятларда ўзига хос байрам руҳида ташкил этилди. Мазкур ҳафталиклар ҳамда бошқа турли байрамлар муносабати билан жойларда ўтказилган маънавий-маърифий тарғибот тадбирларида пойтахтда яшаб ижод қилаётган юз нафардан ортиқ адиблар бевосита иштирок этди. Уларнинг сафар харажатлари "Ижод" фонди томонидан қопланди. Қашқадарё, Навоий, Андижон, Фарғона, Хоразм вилоятларида уюшманинг кўчма йиғилишлари, "Адабиёт кунлари" ўтказилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда яна бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида май ойида пойтахтимизда ва вилоятларда "Китоб байрами" тадбирлари ўтказилди. Тадбирларда республикамиз нашриётларида чоп этилган китоблар, ёзувчи ва шоирларнинг янги асарлари ҳамда жаҳон адабиёти дурдоналари тарғиб қилинди.

Май ҳамда октябр ойларида "Дўрмон" ижод уйида "Истеъдод мактаби" ёш ижодкорлар республика семинари ўтказилди. Семинарда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан жами 110 нафар истеъдодли ёшлар иштирок этди. Улардан 10 нафарининг ижодлари "Биринчи китобим" лойиҳаси асосида "Ижод" фонди ҳомийлигида нашр этиш учун тавсия қилинди.

### Ёзувчилар уюшмасида

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бу йил Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва ардоқли шоира Саида Зуннунова хотирасига ҳайкал ўрнатилди. Бу Президентимиз ҳамда ҳукуматимиз томонидан ижод аҳлига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунасидир.

"Дўрмон" ижод боғи ҳамда уюшма поликлиникаси хизматларидан ижод аҳли беминнат фойдаланмоқда. Уларда адибларимизнинг ижод қилишлари ҳамда соғлиқларини мустаҳкамлаши учун етарли шароит яратилган.

Ижод аҳлига қулайлик яратиш мақсадида 2014 йил учун уюшма муассислигида чоп этиладиган газета ва журналларга 142 нафар уюшма аъзоси, шунингдек, уюшманинг барча вилоят бўлимлари "Ижод" фонди маблағлари ҳисобидан обуна қилинди.

Наврўз, Мустақиллик, Конституция байрамлари арафасида фаол ижод қилаётган уюшма аъзолари ҳамда бой ижодий мерос қолдирган марҳум адибларнинг оилаларига "Ижод" фонди маблағлари ҳисобидан 150 миллион сўмга яқин моддий ёрдам кўрсатилди.

Бу йил Ёзувчилар уюшмасининг Фахрий ёрлиғи таъсис этилди. Эндиликда кўп йиллар давомида фаол ижод қилган, адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган, ўзининг ижодий ҳамда ижтимоий фаолияти билан кўпчиликка ибрат бўлган Ёзувчилар уюшмаси аъзолари уюшманинг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланади.

"Обод турмуш йили" муносабати билан октябр ойида 15 нафар адибимиз республикамизнинг барча вилоятларига бориб, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида ёзган очеркларини республика газеталарида эълон қилдилар. Ушбу очерклар яқин кунларда "Адиб" нашриётида китоб ҳолида нашр қилишга тайёрланмоқда. Умуман, йил давомида марказий газеталарда "Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан" рукнида адибларимизнинг элликдан ортиқ салмоқли публицистик мақолалари чоп этилди.

Айни кунларда 14 январ — Ватан ҳимоячилари куни байрами муносабати билан ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

**Уйғун РЎЗИЕВ**

# ҚУЁШГА ҚАРИНДОШ ШАҲАР

Ватан обод — кўнгил обод!

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ҳозир шуларни ўйласам, гоҳи эшигингнинг тагига келдим дея овоз бериб, хизматга мунтазир турган махсус машиналарга тўрт-беш одим юриб чиқиб, чиқиндисини ташлашга эринадиган одамларни кўриб, кайфиятим бузилади. Барака топкур, ялқовлик ҳам эви билан-да. Арзимаган ҳақини гоҳи тўлаб, гоҳи тўламаганингга қарамай, эшигингга келиб турган тайёр дастёрга ҳам қаноат қилмасанг, одамман деб эҳтиёжманд бўлганинг қайга борарди?! Шукрки, ўша беминнат дастёрлик қилиб, тонг саҳардан уй-ҳовлингдаги чиқиндиларни йиғиб олиб, кайфиятингни ҳам озода этиб кетадиган хизматчилар, ҳеч бир оғринмай, ҳамиша юмушингизга тайёр. Аммо уларнинг ана шу юмушларини мунтазам бажариб боришлари ортида не-не ҳаракатлар, жонсаракликлар борлигини ҳамма ҳам билавермайди…

Бугунги кунда Тошкент меҳмон келса, озодалик борасида таъби равшанлик билан эслайдиган ораста шаҳарга айланиб кетди. Нафақат меҳмон, бари шаҳар аҳолиси “Махсустранс” ишлаб чиқариш бирлашмасидан миннатдор. Худо берган ҳар куни бемуболаға эрта тонгда то соат 7-8 гача шаҳар чиқариб қўйилган чиқиндилардан тўла ҳоли этилади. Катта-кичик кўчаларга сувлар сепилиб, супурилади. Э, отангга балли “Махсустранс” деб юборасиз. Яна ўйлаб кетасиз. Ахир бу ташкилот қачондан бери бор-ку? Нега аввал хўжакўрсинга ишлар эди-ю, ҳозир бошқача? Саволимга жавоб излаб Тошкент шаҳар ҳокимлигининг “Обод турмуш йили” дастури бўйича тўққиз ойлик ишлар ижросига оид ҳисоботни кўздан кечираман. Тошкент шаҳрида ҳозирги кунга қадар фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган 264 та бошқарув сервис компаниялари фаолияти учун коммунал хизмат кўрсатиш тизимига мослаштирилган “Damas” русумли автомобиллар харид қилишга 1759,0 млн. сўм ҳамда мазкур автомобилларни техник асбоб-ускуна билан жиҳозлаш ва хомашё сотиб олишга 486,8 млн. сўм маблағ ўтказилган. Ҳисоботнинг давомида лизинг ва кредит йўли билан 9,2 миллиард сўмлик яна бошқа махсус техника сотиб олингани ва бу техниканинг барчаси Ўзбекистонда ишлаб чиқарилгани қайд этилган.

Очиғи, Тошкент шаҳрининг ижтимоий, иқтисодий, маиший ва ҳоказо турмушини тўла қамраб олган ана шу эллик саҳифалик маълумотномадан олганим ўн-ўн беш сатрлик ахборотнинг ўзиёқ юқоридаги саволларимга жавоб, айни чоғда қониқиш ва ғурур учун сабаб бўлди десам, ишонаверинг. Аввало ғурур ҳақида. Яқин ўтмишда Ўзбекистонни фақат аграр ўлка сифатида кўриб, уни асосан пахта етиштиришдан нарига ўтолмайди деганларга жавобан биз бугун оғир саноат борасида хаёл қилиш қийин бўлган воқеликларга гувоҳ бўлиб турибмиз. Ўзимизда “ISUZU”, “MAN” русумли автобус, чиқинди ташийдиган ҳайбатли оғир машиналар ҳамда трактор, унинг тиркалмаси, автокран каби халқ хўжалигига зарур машиналар ишлаб чиқарилаяпти. Яна уларни лизинг ва имтиёзли кредитлар йўли билан олиш имконияти бор. Қолаверса, ана шундай техника имкониятлари Тошкентдек улкан шаҳарда озодаликни сақлаш учун муҳим омил бўлаяпти. Айни чоғда имкониятга мувофиқ муқобил бошқарув тизимининг жорий этилиши бу “мегаполис” тусини олаётган шаҳар учун энг асосий муаммолардан бирининг ҳал қилиниши демакдир. Ҳа-да, қарийб 2,5 миллион аҳоли доимий истиқомат қиладиган, 475 маҳалладан иборат, 135838 та якка тартибда, 9155 та кўп қаватли уй-жойлари бор, 33 та олий таълим муассасаси, 80 та касб-ҳунар коллежи, 41 та академик лицей, 325 та умумтаълим мактаби, 505 та мактабгача тарбия муассасаси, 826 та шифохона, 114 та касалхона, ўнлаб театр-томоша муассасалари, музею истироҳат боғлари бор 335 кв. км. майдонни шаҳар агламерацияларидан иборат “мегаполис” десак муболаға эмас, албатта. Зеро турли луғатларда “юнонча megas – катта+polis – шаҳар сўзларидан иборат мегаполис ёнма-ён жойлашган бир қанча шаҳар ва аҳоли яшаш масканларининг ўсиб ривожланиши ва қўшилиб кетиши натижасида ҳосил бўлган улкан шаҳар” деб изоҳланади. Хўш, бу сифатнинг қай бир жиҳати бугунги Тошкентга хос эмас?! Қолаверса, Тошкент дунёнинг юзлаб буюк шаҳарлари орасида яшаш қулай бўлган шаҳар сифатида 58-ўриндан жой олгани ва бу кўрсаткич Буюк Британиянинг “Экономист” журнали эълон қилган рейтинг бўйича белгиланганининг ўзиёқ юқоридаги фикрларимизга яна бир шаҳодат.



Маълумки, йирик шаҳарларда маиший чиқинди масаласи жуда катта муаммо. Бу йўналишни тўла тизимли ташкил этиш осон иш эмас. Шунга кўра, муқобил рақобат асосида ишлашни ташкил этиш масаланинг энг оқилона ечими бўлди. Пировардида шаҳарнинг ўн бир туманида ўн битта “Махсустранс” ишлаб чиқариш бирлашмаси бўлинмалари билан рақобатда 46 та тозаликни сақлаш бошқарув сервис компаниялари пайдо бўлди ва улар ҳозир шаҳардаги 136 та маҳалла ҳудудларига бириктирилган.

Тошкент шаҳар аҳолисининг катта қисми яшайдиган ва ободончилик борасида кўплаб ижобий ишлар қилинаётган Юнусобод туманини олиб кўрайлик. Шу йил бошидан бери “Юнусобод лифт сервис”, “Квартал коммунал сервис”, “Мадалй сервис”, “Спектр сервис плюс” каби масъулияти чекланган жамиятларнинг махсус техника ва ходимлари туманнинг 16 та маҳалласига хизмат кўрсатишни бошлаган бўлсалар, соҳанинг истиқболли эканини сезган бошқа тадбиркорлар ҳам хоҳиш билдириб, апрел ойидан бошлаб яна учта МЧЖ бу ҳаракатга қўшилди. Ҳозир улар жами 25 маҳалла аҳолисига тозаликни сақлаш бўйича хизмат кўрсатмоқда. Тўғри, булар жорий йилдан иш бошлади. Уларга муайян масалаларда имтиёзлар берилди. Йўналишни такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар йўқ эмас, албатта. Лекин муҳими, тажриба-синов тарзида бошланган ташаббус самара берди ва яшашга қодир эканини намоён этди. Демак, улкан шаҳар мисолида озодаликни сақлаш тизимли асосда йўлга қўйилди. Энди ҳеч бир асаббузарлик, буйруқбозлик, бақир-чақирга ўрин йўқ. Аҳоли ҳам хурсанд, тадбиркор ҳам. Яна бир жиҳати, қанча янги ишчи ўринлари ташкил этилди. Бандлик муаммосини ҳал этишга бу ҳам муҳим ҳисса. Айни мисолда шаҳар агломерацияларида маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш ва зарарсизлантиришда транспорт ва қайта ишлаш ташкилотларининг ўз харажатларини ўзлари қоплашга қаратилган халқаро амалиётдаги усул муваффақиятли жорий этилмоқда.

Мақолани бежиз озодалик, тозаликни сақлашдан бошламадик. Зеро ўзбек кундалик ҳаётини тонг саҳардан туриб ҳовли-рўя, эшик олдини сув сепиб супуришдан бошлайди, ўтган-кетганнинг ва, аввало, ўзининг таъбини равшан этиб, кунни хуш кайфиятда ўтказишга чоғланади. Бу бир қадрият, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўзига хос турмуш тарзи. Ана шу каби қадриятлар, аввало, оила маънавияти бўлиб ота-онадан фарзандларга ўтса, сониян маҳалла-кўй, атроф-жамоа бари бу ишларга азалан камарбаста, посбон. Юртбошимиз “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида маҳалла институтининг жорий этилишини изоҳлаб, “Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта “маҳалла” тушунчаси Конституциямизга киритилиб, унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми қатъий белгилаб қўйилди” дея, маҳаллани миллий маънавиятни шакллантирувчи асосий мезон – энг муҳим омиллардан эканини алоҳида таъкидлайди, “азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб” келаётганини айтади. Дарҳақиқат, бизнинг “ҳақиқий демократия дарсхона”миз ҳам айнан маҳалла. Хўш, ким қаерда бир инсоннинг ўзга бир бегона инсонга беғараз, шунчаки мурувват, эътибор, инсонийлик юзасидан қайишганини кўрибди? Балки битта-яримта бўлса бордир. Аммо бу фазилатнинг бутун бир миллатга хос хусусият экани фақатгина ўзбек халқига тегишли бўлса керак.

Биз сўз юритмоқчи бўлган янгилик “Маҳалла фуқаролар йиғинларида жамоатчилик ва давлат идораларининг ҳамкорликдаги фаолият тизими” хусусида. Бу жараёнда ҳамкорлик бир неча босқичда олиб борилиб, унинг бошида туман хотин-қизлар қўмитаси раиси ҳамда “Нуроний” жамғармаси, “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жойлардаги вакиллари ва, албатта, маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари иштирокидаги жамоатчилик гуруҳи туради. Дастлаб биринчи босқичда ана ўша ташкилотлар вакиллари ва маҳалла фаолларидан иборат “ишчи гуруҳ” тузилади. Кейинги босқичларда “Саломатлик”, “Таълим-тарбия”, “Оилага кириш”, “Бандлик” ва “Жиноятчилик профилактикаси” каби бешта гуруҳ-сектор шакллантирилади. Буларнинг ҳар бири ўз номи бўйича белгиланган йўналишларда маҳалла фуқароси ҳисобланган ҳар бир одам билан иш олиб боради. Демак, каттаю кичик бирорта киши эътибор ва жамоа назоратидан четда эмас.

Айрим мисолларга мурожаат этайлик. Жорий йилнинг 10–17 октябрь кунлари ишчи гуруҳлари томонидан аниқланиб, ҳал этилган масалалардан айримлари: Бектемир тумани, “Бектемир” маҳалласи, Ихлос кўча 50-уйда истиқомат қилувчи Пак Надежданинг ўғли касалхонага ётқизилгани, “Олтинтепа” маҳалласидан Санобар Тошпўлатованинг ёлғиз ўзи 4 фарзандни тарбиялаётгани учун моддий ёрдам ҳамда қизининг коллежга қатнаши учун бепул йўл чиптаси берилгани, Мирзо Улуғбек туманидан ёлғиз яшовчи ногирон аёл Лидия Фёдоровага коммунал қарзлари тўлаб берилгани, Сирғали, Учтепа, Чилонзор, Олмазор туманларида кимдир эндокринология диспансерига ётқизилгани, яна бошқа бир фуқаро ишга жойлаштирилгани, боқувчиси йўқ бир аёлга саратон касаллигидан даволаниш учун моддий ёрдам кўрсатилгани, Яккасарой туманидаги “Қушбеги“ мавзесидан Зубайда Қаландаровага тикув машинаси берилганидан далолат беради.

Умуман, олиб борилган шу каби иш натижалари ҳар ҳафтада бир марта маҳалла фуқаролар йиғини кенгашларида муҳокама этилади. Ўз навбатида шаҳар хотин-қизлар қўмитаси томонидан бу маълумотлар ҳафталик мониторинг жадваллари шаклида умумлаштириб борилади.

Шу теграда мазкур тизимнинг 8-босқичини ташкил этган “Ораста қизлар” ахборот-маслаҳат гуруҳлари ҳақидаги тажрибалар ҳам эътиборни тортади. Бу йўналишда ҳам ишчи гуруҳлар тузилиб, унинг таркибига маҳалла маслаҳатчисидан бошлаб оилавий поликлиника бош шифокори, мактаб директори, мактаб психологигача киради. Улар ҳар бир маҳалладан танланган 5–15 қизга маслаҳат ва йўлланмалар бериб, шу қизлар етакчилигида тўгараклар фаолият юритишига, турли тадбирлар, ўқувлар уюштирилишига кўмаклашадилар. Бу тадбирларнинг мавзулари: “Хушмуомалалик зийнати”, “Рўзғор ўгитлари”, “Кийиниш маданияти”, “Остонаси тиллодан” ва ҳоказо. Қизларни ҳаётга тайёрлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, турли оилавий турмуш кўникмаларини шакллантиришда “Ораста қизлар давраси” муҳим аҳамият касб этмоқда. Қизларни кўриб ҳавасланган йигитлар ҳам эндиликда ташаббус кўрсатиб, “Ораста ёшлар давраси” тўгаракларини ташкил этмоқдалар.

Юқорида тилга олинган “Ҳамкорлик” тажрибалари азбаройи яхши самара берганидан Хоразм ва бошқа вилоятларда ҳам қўлланиб, республика бўйича қанот ёймоқда. Булар бари Тошкент маҳаллаларидаги ижтимоий йўналтирилган маънавий-маърифий ишлар. Қурилиш, бунёдкорлик ишлари, кичик бизнес ва тадбиркорлик, маиший хизмат кўрсатиш, транспорт, йўллар, турли қулайликлар яратиш борасидаги олам-жаҳон ишларни санасанг саноғига етиш қийин. Шунга қарамай, турмушимизда воқе бўлаётган яна бир янгиликни айтмаслик мумкин эмас. Бу — Тошкент, балки пойтахт орқали бутун мамлакат бўйлаб оммалашиб бораётган намунавий “Спорт майдончалари” барпо этиш тажрибалари. Мен буни 17 ёшгача бўлган ўспирин футболчиларимизнинг Бирлашган Араб Амирликларидаги жаҳон чемпионатида Европадаги энг бақувват жамоалардан ҳисобланган Хорватия футболчиларини енгиши ва умуман бу мусобақада муваффақиятли иштирок этишини нима учундир мамлакатимизда Юртбошимиз томонидан спортга кўрсатилаётган ниҳоятда катта эътибор натижаси ўлароқ барпо бўлаётган маҳалла – жойлардаги “Спорт майдончалари”нинг оммалашаётгани билан ҳам боғлагим келади.

Дастлаб, Юнусобод бозоридан кейинги халқадан айланиб ўтиб, Ҳасанбой кўчаси йўналиши бўйича боришда 7-даҳа “Астробод” маҳалла ҳудудидаги кўп қаватли бинолар қаторида йўл бўйида ўз ҳолича ташлаб қўйилган мўлгина майдончанинг текислаб, чор-атрофи ўралаётганига кўзим тушган эди. Тўғриси, ҳайрон бўлиб, ўша атрофдаги танишлардан суриштирдим. Улар бу ерда мини-футбол майдончаси ва қаторасига баскетбол, теннис майдонлари ҳам қурилаётгани, булар тез орада битиб, атрофдаги 7 ёшдан 70 ёшгача барча ғайратли одамлар учун очиқ бўлишини айтишди. Ҳақиқатан ҳам орадан кўп ўтмай бу майдонлар битди. Ердаги чимидан панжараю тўригача кўзга хуш ёқадиган кўм-кўк рангдаги сунъий қопламали бу майдончаларни ҳаво очиқ кунлари бирор оқшом гавжум бўлмай турганини кўрганим йўқ. Ёш болалардан тортиб, ўзимиз қатори ўрта ва ҳатто кекса ёшдаги кишилар ҳам тўп суриб ёки коптокча ўйнатиб, вақтларини хуш ўтқазаётганларининг гувоҳи бўлдим. Ҳар сафар кўнглимдан бир ўй ўтади. Мамлакатимиз раҳбари бизга, аввало, фуқароларимизнинг соғлиғи муҳим, дея спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор бериб, қуруқ – бўш ётган ёки турли чиқиндилар ташланиб, ҳудуд мутасаддиларига қўшимча ташвиш туғдираётган майдончалардан оқилона фойдаланишга рағбат уйғотди. Тошкент шаҳрида сўнгги бир-икки йил чамаси бошланган ташаббус росмана қанот ёзди. Ўтган йил ноябр ойи бошларида ҳукумат раҳбарлари томонидан барча манфаатдор мутасаддилар, шаҳар ва туманлар ҳокимлари ўша дастлабки намунавий спорт майдончалари ҳудудларига таклиф этилиб, бу тажрибани кенг ёйиш, майдончаларнинг бир неча намунавий лойиҳаларини яратиш, уларда зарур бўладиган барча қўшимча шохобчаларни назарда тутиш ва бундай ишларга қўл ураётган тадбиркорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича кўрсатмалар берилди. Қарабсизки, буёғи Мирзо Улуғбек, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Миробод, Яккасарой, Ҳамза, қўйингчи барча туманларда ва республикамизнинг барча вилоятларида “спорт майдончалари” барпо этиш хайрли пойга тусини олди.

Жорий йил давомида Тошкент шаҳрида режалаштирилган 80 та ўрнига 82 та спорт майдончалари қуриляпти. Шулардан 77 та мини-футбол, баскетбол, волейбол ва спортнинг яна бошқа турларига мўлжалланган майдончалар ишга тушди. Яна бештаси битиш арафасида. Буларга ижрочиларнинг 4235 млн. сўм маблағлари сарфланяпти. Айни чоғда юздан ортиқ янги иш ўринлари очиляпти. Тошкент шаҳри мисолида бу тажриба ҳам истиқболли, ҳаётбахш ҳодисага айланди. Назаримизда мазкур тажриба амалиёти жуда кўп ҳаётий масалалар, хусусан иқтисодий, ижтимоий, маънавий-мафкуравий жиҳатлардан ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, ҳудудлардан оқилона фойдаланиш, тадбиркорлик ва иш ўринларининг янги тармоғини ташкил этиш ва, энг муҳими, аҳоли саломатлигини таъминлаш, ёшларни спортга қизиқтириш, бўш вақтини унумли ўтказиш, турли зарарли таъсирлардан сақлаш ва бошқалар.

Юқорида асосан уч йўналишдаги тажриба-синов йўли билан “Обод турмуш йили”да жорий этилган амалий ишлар – ислоҳотлар, яратувчанлик, бунёдкорлик, ижтимоий-маънавий фаолиятга оид масалалардан сўз юритдик. Ободонлаштиришнинг бошқа тармоқлари, йўл, турар жойлар қурилиши, коммунал маиший хизматлар, транспорт, дам олиш масканлари, истироҳат боғлари, янги-янги маҳалла гузарлари ва ҳоказо ўнлаб, балки юзлаб йўналиш ҳамда тармоқлар ҳақида фикр билдиролмадик. Яна режамизда Тошкент кўчаларини, майдону хиёбонларини кўкаламзорлаштириш, яшил ҳудудларга айлантириш бўйича қилинаётган фавқулодда катта миқёсли ишлар ва, айниқса, Тошкент фавворалари ҳақида сўз айтиш нияти бор эди. Пойтахтимиз истиқлол йилларида фавворалар шаҳрига айланди, десак муболаға эмас. Турли мусиқа оҳангларига камалакнинг анвойи рангларида “хиром этадиган” энг замонавий технологиялар асосидаги улкан фавворалар шаҳар аҳли, меҳмонлари ҳайрату завқини ошириббгина қолмай, серқуёш кунларда мўътадил ҳароратни сақлаш, дам олиш учун ёқимли имконият яратиш ҳамдир. Ана шу каби ҳар жиҳатдан қалбни қувонтирадиган яратувчиликлар ҳақида, Юртбошимиз айтмоқчи: “Эртасига ишонган мамлакат халқининг фаровонлиги” борасида тўлиб-тўлқинланиб ёзиш тилагимиз бор эди. Бироқ биргина мақола доирасида азим пойтахтимизда жорий йилнинг ўзида амалга оширилган барча бунёдкорликларни санаб, тўла қамраб, кўрсатиб бериш осон иш эмас, балки мумкин ҳам эмас. Бинобарин, ардоқли шоиримиз Муҳаммад Юсуф Тошкент васфида куйлаганидек, биз ҳам қарздорлик ҳисси билан битикларимизга нуқта қўямиз.



**Эй қуёшга қариндош шаҳар,**
**Тингламассан балки арзимни.**
**Қирқ йил қуллуқ қилсам ҳам агар,**
**Узолмасман сендан қарзимни.**

**Шуҳрат РИЗАЕВ**

# НУТҚ ЖОЗИБАСИ ИБОРАЛАРДА

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ўзбекистон ва Афғонистондаги ўзбек ибораларини ўзаро қиёслаш натижасида уларни уч гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи гуруҳни Ўзбекистон ва Афғонистон ўзбеклари тилида ишлатиладиган муштарак иборалар ташкил қилади. Ўзбекча *тоғни талқон қилмоқ* Афғонистон ўзбекларида *тоғди талқон қилмоқ* — йўқ қилмоқ; ўзбекча *игна билан қудуқ қазимоқ* Афғонистон ўзбекларида *игна минан қудуқ қозмоқ* — машаққатли меҳнат қилмоқ.

Иккинчи гуруҳга Афғонистон ўзбеклари ва тожиклар ишлатадиган иборалари киради: *Ҳасани ғамкаш* — доим ғам билан юрувчи, *жину бисмилло* — бир-бирини учрата олмайдиган ва қарши одамлар ҳақида.

Учинчи гуруҳга фақат Афғонистон ўзбеклари тилида ишлатиладиган иборалар киради: *боло кетмоқ* — ўғирламоқ; *чорпой қилмоқ* – уйлантирмоқ; *қутраган кучик* – олғир, ҳаммага ташланадиган. Булардан бошқа луғатда икки тилда икки хил маънода ишлатиладиган бирикмалар ҳам учрайди. *Видо қилмоқ* уларда хайрлашмоқ, бизда видолашмоқ маъносида; *тоққа чиқмоқ* эса бизда оддий бирикма, уларда мажозий — *ҳукуматдан норози бўлмоқ, мухолиф бўлмоқ* маъносида ишлатилади. Афғонистондаги ўзбеклар *ёқаси йиртуқ*ни бечора ва жабрланган маъносида, биз эса, оддий бирикма сифатида ишлатамиз.

Муҳаммад Ҳалим Ёрқин ибораларнинг ҳамма маъноларини беришга ҳаракат қилган. *Субутига сув қуймоқ*нинг икки маъносини қайд этган: 1.Қаттиқ танбеҳ бермоқ; 2.Қийнамоқ, азобламоқ.

*Дар олмоқ*нинг уч маънолилигини таъкидлаган: 1.Куймоқ; 2.Ҳасратланмоқ; 3.Қаттиқ ғазабланмоқ.

Олим ибора маъноларига мисолларни кўпроқ оғзаки нутқдан олган. *Гап кўтаролмайдиган* маъносидаги *сиркаси сув кўтармайди* иборасига қуйидаги мисолни келтиради: *Нима қилар эдинг гапириб. Сиркаси сув кўтаролмаганини билмасмидинг?!* Толеъсиз, бадқадам маъносидаги *қуруқ аёқ* иборасига қуйидаги жумла мисол сифатида келтирилган: *Шеригиз қуруқ аёқ экан. Қўшилганидан бери фақат зарар қилмоқдамиз.*

Биринчи марта чоп этилган ушбу луғат келгусида тўлдирилиб, нашр қилинишига ишонамиз. Иккинчи нашрида олим қуйидаги масалаларга ҳам эътибор берса яхши бўлар эди:

1.Луғатдаги имловий хатоларга;

2.Мисоллар кўпроқ бадиий адабиётлардан олинса.

**Эргаш УМАРОВ**

# ҚАРДОШЛАР ТИЛИДА

Теран томирлар

Бугун ўзбек-озарбайжон адабий алоқалари жадал ривожланмоқда. Жаҳон адабиётида ўз ўрнига эга бўлган Низомий Ганжавий, Имомиддин Насимий, Фузулий каби озар шоирларини ота-боболаримиз яхши билишган. Фузулийни аслиятда ўқиб, ўз шоирлари деб билганлар. Озарбайжонда ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали ўрнатилиб, буюк шоир ижодига оид кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилаётир. XX аср ўзбек адабиёти ва озар адабиётининг йирик вакиллари Ғафур Ғулом ва Самад Вурғун, Миртемир ва Сулаймон Рустамнинг самимий дўстликлари, ҳамиша эҳтиром билан эсланади. Ўтган йили Озарбайжонда ўзбек шеъриятидан намуналар нашр этилган бўлса, бу йил XX аср озарбайжон шеърияти антологияси ўзбек китобхонлари мулкига айланди. Озарбайжон матбуотида ўзбек адиблари, шоирлари асарларининг бот-бот чоп этилиши ҳам қувончли ҳол.

Яқинда Озарбайжонда нашр этиладиган “525-газет” (2013 йил 10 декабр сони) ва “Адолат” (2013 йил 10 декабр сони) газеталари саҳифаларида таниқли шоир Сирожиддин Саййиднинг бир туркум шеърлари озарбайжон тилида Яшар Қосимов таржимасида босилди. Ҳар икки газетада Сирожиддин Саййиднинг ҳаёти ва ижодига оид қисқача маълумот берилиб, унинг бугунги ўзбек шеъриятининг таниқли намояндаси эканлиги таъкидланади. “Адолат” газетаси Бокуда шу йил 9 декабрда бўлиб ўтган, Юнус Эмро ижодига бағишланган халқаро конференция муносабати билан қўш саҳифа эълон қилинган. Адабиёт саҳифасида Сирожиддин Саййиднинг “Юнус Эмро”, “Тариқат тупроғи”, “Сурхон саҳроси”, “Тарихий ташбеҳ”, “Тошкент тароналари”, “Буюк ипак йўли” сингари Ватанни улуғловчи ва фалсафий руҳдаги шеърлари танлаб олинган.

**Адҳамбек АЛИМБЕКОВ**

# ЁШЛАР ВА ИЖТИМОИЙ-МАЪНАВИЙ ФАОЛЛИК

Тадбир

Ёшларни ҳар томонлама баркамол инсон этиб тарбиялаш маънавий-маърифий соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсадидир.

“Обод турмуш йили” Давлат дастури асосида ёшлар қалбида миллий қадриятларга садоқат, умуминсоний тамойилларга ҳурмат руҳини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, яқинда Республика маънавият тарғиботи ташаббуси билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида “Муносиб ҳаёт, обод турмуш тарзини тарғиб этишда ёшларнинг ижтимоий-маънавий фаоллигини ошириш” мавзусида Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида ўтказилган илмий-амалий конференция ҳам шу мақсадга йўналтирилди.

“Обод турмуш йили”да эришилган бунёдкорлик ишларининг ижтимоий-маънавий аҳамияти, “Ўзбекистонда ёшларнинг ижтимоий-маънавий фаоллигини ошириш истиқболлари”, “Истеъдодли ёшларни излаб топиш ва уларни қўллаб-қувватлаш сиёсатининг илмий-маънавий асослари”, “Соғлом бола йили”да маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш” каби мавзулардаги маърузалар кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Анжуман доирасида республика Маънавият тарғибот маркази фаолиятига оид шунингдек, “Камолот” ЁИҲ томонидан ёшлар фаолиятига бағишлаб тайёрланган видеороликлар намойиш этилди. Иқтидорли талабаларнинг бадиий чиқишлари, институтда тайёрланган мусиқа асбоблари кўргазмаси ҳам анжуман иштирокчиларида қизиқиш уйғотди.

Анжуман қатнашчилари Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг замоновий услубда янгидан бунёд этилган ўқув биноси, ўқув театри, қишки сув ҳавзаси, ахборот-ресурс маркази ҳамда турар жойларида яратилган шарт-шароитлар билан танишишди. Тадбир якунида фаол иштирокчилар эсдалик совғалари ва дипломлар билан тақдирландилар.

**Ўз мухбиримиз.**

# ЭЗГУ СЎЗ ВА ЭЗГУ АМАЛ ТАРАННУМИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Навоий 1488 йилда яратган машҳур тарихий асари “Тарихи мулуки Ажам”нинг “Каёнийлар” номли иккинчи табақасида салтанат барпо қилган тўққиз кишининг бешинчиси сифатида шоҳ Гуштаспга тегишли қуйидаги маълумотларни беради: “Гуштасп Ҳалаб мулкида тахтқа ўлтурди ва Зардушт анинг замонида зуҳур қилди. Ва ул габр динида риёзатлар ва мужоҳадалар тортиб эрди. “Зинд” китобин тасниф қилиб, элни ул динға даъват қилди. Чун ҳаким эрди ва риёзат жиҳатидин элни сайд қилиб эрди, Гуштаспни ҳам фирифта қилди. Гуштасп зардушт динин ихтиёр қилиб, элни ҳам ул миллатқа киюрди ва Румда Қайсарға киши юбориб, ани доғи динға далолат қилди. Қайсар Фаридун аҳднонасин кўргуздиким, Рум қайсарлари бир динда бўлсалар, киши тағйир бермасун. Ул жадди фармонин инқиёд қилиб, ул таклифдин кечти ва ўзи Истахр тахтида “Зинд” китобин ўқурға машғул бўлди”.

Навоий ушбу маълумотида шоҳ Гуштасп Ҳалаб мулкида ҳукмронлик даврида Зардуштнинг пайдо бўлиши, оташпарастлик дини йўлида саъй-ҳаракатлар кўрсатиши, “Занд” китобини тасниф қилиши ва ҳаким эканлиги, шу сабабли ҳукмдор ва халқ эътиборини ўз динига қарата олганлигини айтиб ўтади. Шоҳ Гуштасп ички сиёсатида Зардушт динини расман қабул қилиб, давлат дини мақомида фуқаролари билан биргаликда янги дин қоидаларини ўргана бошлаши, ҳатто ташқи сиёсатида ҳам Зардушт дини тарғиботи билан шуғулланиши баён этилади. Рум қайсарига ишончли вакил юбориб, уларни ҳам бу янги динга чорлайди. Аммо қайсар Фаридун шоҳ аҳдномасини эслатиб, Рум қайсарлари бир динда бўлишини айтиб, рад қилади. Гуштасп Фаридун шоҳ аҳдномасини эътироф этиб, “Занд” китобини ўқиш, ўрганиш билан машғул бўлади. Фирдавсий “Шоҳнома”нинг “Ўн икки жанг” достонида ҳам шундай фикрларни ёзган: “Эронда Гуштасп ҳукмронлик қилган даврда Зардушт исмли пайғамбар пайдо бўлади. Гуштасп ўз фуқаролари билан биргаликда Зардуштнинг янги динини қабул қилади”. Демак, Навоий Зардуштни ҳаким деб таништирса, Фирдавсий пайғамбар деб кўрсатади, бошқа манбаларда эса унинг мутафаккирлиги айтилади.

Китобнинг мавзу-мундарижасидан келиб чиқилса, Алишер Навоийнинг асосий мақсади, аслида, Ажам шоҳлари қатори Гуштасп ҳақидаги маълумотларни баён қилиш бўлган. Аммо муаррих Навоий инсоният тарихида, хусусан, Гуштасп салтанати бошқарувида маданий-маърифий ҳодиса ҳисобланган “Занд” китоби, ҳаким Зардушт ва оташпарастлик дини тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар беради. “Тасвирда Навоийнинг “тариххонлик” билан бирга конкрет мақсад-муддаони кўзда тутгани равшан бўлади”(Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Т.,1974). Бу нималарда кўринади?

Биринчидан, Навоийнинг “Занд” китобини ёдга олишини муҳим ва қимматли факт сифатида баҳолаш жоиз. Иккинчидан, Дақиқий, Фирдавсий, Масъудий, Балхий ва Берунийнинг “Авесто” китоби ҳақидаги маълумотлари мажмуасига Навоийнинг маълумотини ҳам қўшиш ўринли бўлади. Учинчидан эса, Гуштаспнинг Истахир тахтида ўтириб, давлатни бошқаришидан ташқари, “Занд” китобини “ўқурға машғул бўлиши”, бизнингча, Навоийдек буюк тафаккур соҳибига жуда маъқул бўлган машғулот-жараёндир. Бу машғулот тарғиби орқали шоирнинг ҳукмдорларга ақл ва адолат билан тахтни бошқариш лозимлигини эслатишини, уларни маърифатга йўллаш мақсадини ҳам кузатамиз.

Бу маъқул машғулот билан боғлиқ тарихий, бадиий лавҳа, тасвир ва ёдномалар, ўринли истак ва даъватлар Навоий ижодида ўзининг гўзал ифодасини топган. Фикримизга далил сифатида баъзи бир мисолларга мурожат этсак. Маълумки, “Мажолис ун-нафоис”нинг еттинчи мажлиси Темур Кўрагон ва йигирма бир нафар темурийзодага бағишланган. Еттинчи мажлис Соҳибқирон ёди билан бошланади. Унда Ироқда воқе бўлган, яъни Мироншоҳ мирзо сабаб Темур ҳукми билан қидирувда юрган Хожа Абдулқодирнинг Қуръон қироати билан боғлиқ ибратли ҳикоят тасвирланади. Аслида, тасвир Темур Кўрагон сиймосига қаратилган: “...Хожа Абдулқодир қочиб, қаландар бўлиб, ўзин девоналиққа солиб, мулкдин мулкка мутавори юрур эрди, то улким, ул Ҳазрат яна Ироқ юриши қилди. Ул мамоликда Хожанинг ул ҳоли баъзиға маълум бўлуб, юқори арз қилдилар. Ҳукм бўлдиким, тутуб келтурсунлар. Ул Ҳазрат тахтда эрдиларким, Хожаи фақирни девоналуққа қўймай, судраб тахт илайига келтурдилар. Андин бурунким, сиёсат ҳукм бўлғай, чун Хожанинг камолотидин бири Қуръон хифзи ва қироат иши эрди, филҳол бийик ун била Қуръон ўқимоқ бунёд қилдиким, ул Ҳазратнинг ғазаби лутфқа мубаддал бўлуб, фазл ва камол аҳли сори боқиб, бу мисрани ба вақт ўқидиким: “Абдол зи бийм чанг бар мусҳаф зад” (таржимаси: “Қаландар қўрққанидан Қуръонга чанг солди” — **Б.Р.**). Андин сўнгра Хожаға илтифот ва тарбиятлар қилиб, ўз олий мажлисида надим ва мулозим қилди”.

**Навоий гулшани**

Хожа Абдулқодирнинг ҳушёрлиги, закийлиги ва Қуръон қироати сабаб бўлиб, Темур Кўрагоннинг Шайх Абусаид Абулхайрнинг машҳур рубоийсидаги ушбу мисрани яхши ниятда эслаши, шариатдаги жиноят ва жазо ўрнига афв усулини қўллаши, жон бобидаги бағрикенглиги нафақат Соҳибқирон шахсига хос, балки дунё ҳукмдорларига ибрат, намуна мақомида Навоий китобида, тарих кўзгусида яна бир бор муҳрланди.

**Қиёматта дегунча аҳли айём,**
**Ёзарлар онинг аҳкомидин аҳком —**

каби ўз эҳтиромларини Навоий “Мажолис ун-нафоис”нинг еттинчи мажлисида Улуғбек Мирзонинг етти қироат билан Қуръони мажидни ёд олгани ва у тузган “Зиж” китоби ҳақида қуйидагиларни ёзган: “Улуғбек Мирзо — донишманд подшоҳ эрди. Камолати бағоят кўп эрди. Етти қироат била Қуръони мажид ёдида эрди. Ҳайъат ва риёзийни хўб билур эрди. Андоққим, “Зиж” битиди ва расад боғлади ва ҳоло анинг “Зиж”и орода шоеъдур”. Мазкур мажлисда темурий ҳукмдорлардан Абулқосим Бобурнинг Фахриддин Ироқийнинг “Ламаъот” ва Маҳмуд Шабустарийнинг “Гулшани роз” асарларини ихлос билан мутолаа қилиб туриши ҳақида Навоий тўлқинланиб шундай ёзади: “Бобур Мирзо — дарвешваш ва фоний сифат ва карим ул-ахлоқ киши эрди. Ҳиммати олида олтуннинг дағи кумушнинг тош ва туфроғча ҳисоби йўқ эрди. Тасаввуф рисолаларидин «Ламаъот» била «Гулшани роз»ға кўп машъуф эрди. Табъи дағи назмға мулойим эрди”.

Кузатишларимиз давомида улуғ шоир яна бир жиҳати билан бизни ҳайратга солади. “Тўққиз галгача айтишга ҳақлилик” ҳуқуқига эга Навоийда шаҳзода Бадиуззамонга маънавий жасорат билан оғзаки ёки ёзма равишда маърифатга чорловчи “кутубхонага кирилса”, “китоб ўқилса” каби маслаҳату даъватлар қилиш имкони бўлган. Шундай ўринли маслаҳату даъватнинг ёзма намунасини “Муншаот” асаридан ўқиймиз: “Яна улким, мулк ва мол ишидин, бас, додхоҳ ишидин фароғат ҳосил бўлса, малолат дафъи учун кутубхонага кирилса, кутубхона аҳли била машғуллуқ қилинса. Наввобдин ҳар қайси муносиб кўрунса таворих ўқимоқ буйрулса, батахсис “Зафарнома”, агар машойих сўзи ё баъзи даввовин дағи гуфту-шунуфт бўлса номуносиб эрмас”.

Алишер Навоий “Тарихи мулуки Ажам” асаридан аввал ёзган “Садди Искандарий” достонининг “Иккинчи табақаким Каёнийлардурур, аларнинг олий тахтлари ва каёний тожлари бошдан-оёққача демак” номли XII бобида “Бу шоҳларки, назм ичра қилдим савод”, дея Зардушт, зардуштийлик дини ҳақида ҳам шеърий — иккилик шаклида маълумот беради.

Навоий ёзиб қолдирган Гуштасп ҳақидаги маълумотларга таяниб, “Авесто”га мурожаат қиламиз. Қўлимиздаги “Авесто” (Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Форс тилидан Асқар Маҳкам таржимаси. Т.,“Шарқ”,2001) китобида ҳам Гуштасп ҳақида айтилган хабарларни учратиш мумкин. Гуштасп ҳузурида паноҳ топган Зардушт гоҳларнинг 1-, 4-, 5-қўшиқларида бу ҳукмдор номини “Кай Гуштасп” тарзида тилга олади. “Кай” форсча сўз бўлиб, “улуғ подшоҳ”, “улуғ мартаба” деган маъноларни англатиб, ҳукмдорлик унвони сифатида каёний подшоҳларнинг номига қўшиб айтилган. Чунончи, каёний шоҳларнинг бешинчиси бўлган Гуштасп ҳам “Кай” унвони соҳиби эди.

1-қўшиқда учта мурожаат бўлиб, илк мурожаат зардушт динидаги барча тўғри йўллар, Ҳақ йўллар бориб қўшилган Ашаҳга, иккинчи мурожаат Ахура Мазданинг дўстларидан бири, илоҳий ва дунёвий юмушларни адо этувчи Ормаитайга, яъни Комил Ақлга (мазкур мурожаатда Гуштасп алоҳида тилга олинади), учинчи мурожаат Маздага қаратилган. Бу қўшиқнинг мазмунидан “Авесто”нинг ҳаёт учун йўриқнома эканлиги англашилади: “Кай Гуштасп муғлар қудрати, эзгу ният қўшиқлари билан шундай билим соҳиби бўлди. Покиза Мазда, Ашаҳ — Ҳақиқат нурлари билан бу билимни яратди ва у билан бизларни яхшиликлар сари етаклайди, ҳидоят қилади”. 4-қўшиқда эса, “Авесто” билимлар мажмуаси сифатида талқин этилади.

“Авесто”нинг Митра қасидаси 29-бўлимида инсонлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи иймон, инсоф, аҳд каби фазилатли сўзнинг ҳаққи-ҳурмати ва бир кунда ўқишнинг адади-ҳисоби ҳамда Маздага иймон келтириш қуйидагича ифодаланади:

**Биз Митрани эъзозлаймиз,**
**О, Митра, сен хонадонларнинг,**
**Наслларнинг, эл-улусларнинг,**
**Мамлакатлар, жамоаларнинг**
**Соҳибисан.**

**Йигирма каррадир Сўз икки дўст,**
**Икки вафоли ёр ўртасида.**
**Ўттиз каррадир у фуқаролар аро,**
**Маҳрамлар орасида қирқ каррадир сўз.**
**Эр ва завжа аро эллик каррадир,**
**Олтмиш каррадир у шогирдлар аро.**

**Ота-ўғил аро юз каррадир аҳд,**
**Икки эл аро минг каррадир у**
**Ва минг-минг каррадир**
**Маздага иймон.**
**Ортидан келадир қудрат кунлари,**
**Келадир Ғолиблик замонлари.**

“Авесто”да одамларни иймонли, эътиқодли, инсофли, оқибатли ва аҳдли бўлишга, ёмон ният, ёмон сўз, ёмон амаллардан, ёмон муносабатлардан тийилишга даъват этадиган бундай қасидалар талайгина. Бу шарҳлар Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги “Аввалғи мақолот. Иймон шарҳида” бобидаги фикр-мулоҳазалар билан уйғундир:

**Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,**
**Билки нишони анга иймон эрур.**
Ёки:
**Бас, ани инсон демак ўлғай раво,**
**Ким, иши имон билан топқай наво.**

Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам” китоби орқали ҳукмдор Гуштаспнинг зардуштийлик эътиқодини халқ ўртасида ёйишдаги хизматларидан хабардор бўламиз. Бажарган хизматлари эвазига Гуштасп номи ва Зардуштнинг Гуштасп шарафи, ҳурматига айтган олқишлари, “Занд” – “Авесто”да ўз қадр-қимматини топганлигини кўрамиз. “Тарихи мулуки Ажам”да улуғ шоир “Занд” китоби изоҳи билан чекланиб қолмади. Балки ўз даври тафаккури даражасидан туриб, “Занд”да олға сурилган энг қимматли билимлар, фикрлар, ғоялар, тажрибаларни ижодида маҳорат билан тараннум қилди. Асосийси, мутафаккир шоир “Занд” китобига — Турон, Хуросон, Ироқ, Эрон, Озарбайжон, Кичик Осиё халқларининг қадимги даврдаги иқтисодий, сиёсий турмуш тарзи, диний, ҳуқуқий, ахлоқий қарашлари, урф-одат, одам, олам, борлиқ ҳақида маълумот берувчи асосий тарихий манба, ҳар қандай синовларга бардош бера олган китоб, деб қараган. Ҳатто Навоий баъзи ғазаллари матни таркибида ҳам авестошуносликка оид “Пожанд”, Зардушт, зардуштийлик, оташкада, мажусийлик, фаришта Суриш, ёвуз руҳ Аҳраман дев каби тушунча, истилоҳларни ёдга олиб, аввало, уларни ижтимоий фикрларига тамсил қилса, иккинчидан эса, “Пожанд” — хованд, хамуш – Суриш шаклида ўзига хос услубда бетакрор қофиялар яратган.

Демак, Навоий ижодидаги бу каби сўз, ибора, хабар, маълумот, ёдномалар аслида маданий-маънавий меросгина эмас, балки унинг тадқиқоти, таҳлили ҳамдир.

**Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,**
**Ёр ўлинг, бир-бирингизғаки, эрур ёрлиғ иш.**

Шоир томонидан айтилган бундай шоҳбайтлар “Авесто”даги қуйидаги бадиий лавҳаларга монандлиги билан эътиборлидир:

**Оламга қудрат бахшида бўлсин!**
**Оламга олқишлар бўлсин!**
**Самимий сўзлар оламга бўлсин!**
**Бахт-саодат оламга бўлсин!**
**Фаровонлик бўлсин оламга!**
**Олам обод бўлсин!**

Олам ободлиги учун ғайрат кўрсатмоқ лозим, уни яхшилик билан асрамоқ ва ёруғлик сари элтмоқ керак”.

Умуминсоний қадриятларни ўзида мужассам этган бундай даъватлар турли тарихий даврларда жаҳон халқларининг эътирофини қозонган. Зотан, эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амал тараннумини бугун ҳам олам ва унинг аҳли истайдир.



**Буробия РАЖАБОВА,**
**Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, филология фанлари номзоди**

# ШОИР ҚИСМАТИ

**Шўро даврининг мудҳиш қатағони кўплаб зиёлиларимизнинг бошига етди, осон қутулганлари сарсон-саргардонликка маҳкум этилдилар. Шулардан бири ёзувчи, шоир, драматург ва адабиётшунос олим Шукур Ёлқиндир.**

Шукур Ёлқин ҳақида Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факултети кутубхонасида сақланаётган, араб алифбосига асосланган уйғур тилида “Шинжон халқ нашриёти”да 2005 йили босилган, Хитойдаги Миллатлар университетида ўзбек адабиётидан диссертация

**Тарих ва тақдир**

ёқлаган олим Ҳикматжон Фикрат ва Қодир Акбар ҳаммуаллифлигида ёзилган “Ўзбек адабиёти тарихи” китобида тегишли маълумотлар баён этилган. Китобда ёзилишича Абдушукур Муҳиддин ўғли Ёлқин 1918 йил 8 ноябрда Тошкентда, маърифатпарвар табиб оиласида туғилган. Отаси Муҳиддин ҳожи араб, форс, урду тилларини яхши билар, уйида тез-тез адабий кечалар ташкил қилиб турар эди. Оила муҳити ёш Абдушукурда адабиётга қизиқишни кучайтиради, у араб имлосидан лотин имлосига ўтиш давридаги мунозараларда фаол қатнашиб, бир мақола эълон қилади. Абдушукурнинг Ориф Айюби исмли зиёли қариндоши бу мақолани ўқиб: “Сен бир ўтёлқин экансан-ку, бундан кейин тахаллусинг “Ёлқин” бўлсин”, дейди.

Абдушукур отасининг таъсирида Навоий, Фузулий, Абдураҳмон Жомий, Сўфи Оллоёр ижодига ошно тутинади. Шу билан бирга, ўз даврининг ёзувчи ва адиблари ижоди ҳам уни бефарқ қолдирмайди. Айниқса, унинг Абдулла Қодирий ижодига ихлоси баланд эди. Хотираларида шоир шундай ёзади: “1932 йил бўлса керак, Тошкентнинг обод бозори — Чорсуда бизнинг бир туққанимиз (қариндошимиз — **Д.У.**) газет-журнал сотарди. Бир куни шу туққанимизнинг қошларига боргандим, Абдулла Қодирий билан учрашиб қолдик. Биз у вақтларда адибнинг “Ўтган кунлар”, “Меҳробдан чаён” романларини талошиб-тортишиб ўқурдик. Уларни ёддан билардик, десам муболаға бўлмас... Мен адибга: “Биз сизнинг китобларингизни кўп ўқиймиз, лекин бирор китоб бермадингиз”, дедим. Абдулла Қодирий: “Рост, шундоғ бўлди, ҳа”, деганича сумкасини ахтариб: “Мен таҳрирлаган китобни берсам бўладими?”, деди. Мен: “Майли, майли, қандоқ китоб бўлса ҳам бўлаверади”, дедим. Адиб сумкасидан ҳажми унча чўнг (катта — **Д.У.**) бўлмаган бир китобни олиб, ичига кирондош-қалам билан: “Укамиз Абдушукурга тақдим, Абдулла Қодирий”, деп ёзип берди. Қарасам, бу франция ёзғувчиси Фердинанд Дюшьенинг “Тамилла” номли рўмони экан. Бу асарни ўзбекчага Ўзбекистонда яшаб ижод қиладиган Зариф Баширий деган татар ёзғувчиси таржима қилғон бўлуп, таҳрирлигини Абдулла Қодирий қилғонакан. Бу рўмон 1928 йили, Тошкентта кўҳна ўзбек ёзуқида нашр қилинғониди”. Шукур Ёлқин адиб совға қилган, ўзи учун жуда қадрли бу китобни доимо ёнида олиб юрган. Хотираларида ушбу китобни йўқотиб қўйиб, орадан 50 йил ўтгач, 1986 йили Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрига келганда тасодифан топиб олганини ёзади. Афсуски, Абдулла Қодирийнинг табаррук дастхати битилган саҳифа адиб номи қораланган вақтларда йиртиб ташланган экан.

Абдушукур мактабни битиргач, Москвадаги Педагогика институтига ўқиб, рус ва жаҳон адабиёти намояндалари ижоди билан танишади. Бу орада собиқ шўро тузуми халқ зиёлиларини қатағонга дучор эта бошлаган эди. Илмли, маърифатпарвар Муҳиддин ҳожи ҳам бу “насиба”дан бебаҳра қолмайди. У оиласи билан Шинжонгга кўчиб кетишга мажбур бўлади. Шукур Ёлқин ҳам Москвадан Тошкентга эмас, Шинжонгга келади ва бу ерда “Ҳилоли Аҳмар” (“Қизил ой”) жамиятида котиб бўлиб ишлай бошлайди. Тоғаси Мирюсуф Мирзоҳидов илмли инсон бўлиб, унинг форс, турк, ўзбек, рус адабиёти намуналари жамланган беш мингга яқин китобдан иборат кутубхонаси бор эди. Шукур Ёлқин ана шу китобларни чанқоқлик билан ўқишга киришган бир пайтда отаси ва тоғаси қамоққа олиниб, қатл этиладилар, китоблар мусодара қилинади. Шундан сўнг у Ғўлжага кетади ва оиласини боқиш учун савдо-сотиқ билан шуғуллана бошлайди. 1944 йили ноҳақ айб билан ҳибсга олиниб, Урумчи қамоқхонасида 11 ой ётади ва гуноҳсиз топилиб озод қилинади. Шукур Ёлқин 1945 – 1955 йилларда Шинжон Педагогика институтида ўқитувчи, Шинжон халқ нашриётида муҳаррир, 1957 йилдан Шинжон Ёзувчилар уюшмасининг поэзия ва драматургия бўлими мудири бўлиб ишлайди. 1957 йили яна туҳматга учраб, қамалади. Бироқ ҳақиқат кеч бўлса-да қарор топиб, озодликка чиқади. “Бу воқитта адибнинг ёши 60 тин ошқониди”, деб ёзади Ҳ.Фикрат ва Қ.Акбар. “2002 йил 10 декабр Шинжонг Уйғур районлик дехтирхонасида тақдирнинг турлик бурон-чопқинлари қаддини буколмаган хизрсипат бир оқсоқол бу поний дунё билан мангуликка хушлашди”.

Адиб ҳаёти ва ижоди, у яратган асарлар ўрганишга, тадқиқ этишга арзигуликдир.



**Даврон УЛУҒМУРОДОВ**

# ҲАҚИҚИЙ ИЛМ БАҲСЛАРДА ТУҒИЛАДИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Хусусан, адабиётшунослардан С.Тўлаганова ва Н.Сиздиқбаевнинг Н.Владимированинг илмий фаолиятига доир кузатишлари анжуман режасининг илк мақсадини ўзида ифода этган бўлса, С.Мелиев, У.Ҳамдамов, Г.Гарипова, С.Комилова, Ш.Аҳмедова, Д.Қувватова, М.Қўчқорова, З.Мирзаева, Р.Муллахўжаева, Г.Саидғаниева, Л.Шарипова, Н.Дилмуродова, Б.Ҳасанова ва Д.Раҳимованинг тадқиқот-мақолалари замонавий наср, назм, бадиий-публицистика намуналари тадқиқига бағишланган. Ўзбек мумтоз адабиёт тарихи йўналиши бўйича Н.Афоқова, О.Жўрабоев, Б.Ражабова, А.Қозихўжаев, Д.Ҳамроева, А.Қурбоновнинг изланишларида холислик билан мавзу ва муаммони чуқур тадқиқ этишга интилиш сезилади. Сувон Мелиевнинг трагедия жанри генезиси тарихи, К.Мустановнинг Л.Н.Толстой ва Ж.Румий фалсафий қарашларидаги муштараклик тадқиқига доир фикр-мулоҳазалари эътиборга лойиқ. Халқ оғзаки ижоди масалалари ўрганилган М.Жўраева, М.Нарзиқулова, З.Расулова, М.Муродова, З.Йўлдошева, Ш.Норалиева ва Д.Анданиёзова мақолаларида топишмоқ, достон, олқиш, эртак, халқ қўшиқлари муайян назарий муаммолар аспектида жиддий таҳлил этилган.

Таассуфки, айрим ёш тадқиқотчиларнинг ҳамон номзодлик ишларидан парчалар олиб, публикациялари сонини кўпайтириш илинжида анжуман материаллари орасига тиқиштиришга уринишларини ҳам кузатиш мумкин. Ахир, илм ҳар куни, ҳар соат тер тўкиб меҳнат қилишни, йирик анжуманларга алоҳида тайёргарлик кўришни, республика миқёсидаги илмий тадбирга арзигулик мавзулар билан чиқишни тақозо этади. Албатта, устоз адабиётшунослар иштирокидаги бундай илмий анжуманлар ёш тадқиқотчи, изланувчилар учун ўзига хос сабоқ бўлиши шубҳасиз. Зотан, илмий фаолият ҳам бадиий ижод каби янгилик кашф этиш, яратишдан иборатдир.

13 декабр куни Тил ва адабиёт институтида ташкил этилган республика миқёсидаги илмий конференция бу фикримизга далил бўла олади. Ушбу анжуман материаллари “Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: таъсир ва типология” (2013, 376 бет) номи билан китоб ҳолида нашр этилди. Унга жами қирқ тўққиз нафар муаллифнинг элликта мақоласи жамланган. Анжуманда республикамиз олий ўқув юртларида фаолият юритаётган тажрибали олим ва ёш тадқиқотчилар адабиёт назарияси, методология, адабий таъсир ва типологик яқинлик муаммолари тадқиқига бағишланган мақолалари билан иштирок этишди. Тадбирни институт директори профессор Н.Маҳмудов кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Муҳаммад Али институтда амалга оширилаётган бу каби тадбирларнинг адабиётшунослик ривожига, адабий жараёнга самарали таъсири ҳақида гапириб, бундай анжуманларнинг халқаро миқёсда ҳам ўтказилиши миллий адабиётимиз равнақини янада оширишини таъкидлади. Конференция материаллари жамланган китобда таниқли адабиётшунослар қаторида илм остонасига энди қадам қўяётган ёш тадқиқотчиларнинг мақолалари ҳам ўрин олган.

“Шўро даври рус адабиётининг шу давр ўзбек адабиётига бир қатор масалаларда таъсири матлубдан кўра мақбул ёки ихтиёрийдан кўра мажбурий жараён сифатида кечди. Натижасига қараб, ижобийси — таъсир, салбийси эса тақлид бўлади дейиш, масалани бирмунча чеклаб қўйиш бўлур эди. Таъсир ва тақлид муаммоларининг ўзига хос мезонлари бўлиб, улар алоҳида-алоҳида ўрганишга муносибдир”, деб ёзади академик Б.Назаров “Адабий таъсир ва типологик яқинликни ўрганишнинг айрим методологик масалаларига доир” номли мақоласида. Дарҳақиқат, анжуманда ўқилган илмий маърузалар бўйича типология, қиёсий адабиётшунос-

**Адабий жараён**

лик, адабий таъсир каби мавзулар ҳақида баҳс юритилди. Сувон Мелиевнинг “Бинар типология” ҳамда “Тринар типология” мақолаларида типологиянинг турли хусусиятлари билан бирга фарқли жиҳатлари ҳам кўрсатиб берилган ва типологик қиёсда тадқиқотчининг роли беқиёслиги таъкидланган. А.Эшонбобоев маърузасида адабиёт тарихининг айрим назарий муаммоларига доир қизиқарли кузатишлар баён этилган.

Шунингдек, “Ўзбек адабиёти: таъсир ва типология” тўпламидан адабиётшунослар Т.Мирзаев, Н.Каримов, Д.Қуронов, И.Ғаниев, У.Ҳамдамов, Ш.Аҳмедова, Д.Салоҳий, Н.Афоқова, И.Ёқубов, Т.Матёқубова, Р.Абдуллаева, О.Олтинбек, К.Мустанов, С.Тўлаганова, Г.Сатторова, Х.Ҳамроқулова, М.Қўчқорова, Л.Шарипова, М.Пирназарова, У.Расулова, Қ.Йўлчиевнинг бугунги адабиётшунослик, адабиёт назарияси ва адабий танқиднинг долзарб муаммоларига бағишланган мақолалари ўрин олган. Чунончи, ўзбек адабиётининг хорижда ўрганилиши бўйича тадқиқот олиб бораётган З.Мирзаеванинг АҚШ олими Ахмет Оғир илмий ишларига оид кузатишлари тадбир иштирокчилари эътиборини тортди. Ёш изланувчилардан Н.Шаропова, Д.Салимова, Д.Игамуратова, К.Жалилов, Д.Анданиёзова, Д.Ражабова ва М.Боллиеванинг маърузалари ҳам адабиётшунослик ва адабий танқид соҳаларига иқтидорли ёшлар келиб қўшилаётганини кўрсатди.

Айрим маърузаларда ҳали қиёмига етмаган фикр-мулоҳазалар, бирёқламалик ёки шошилиб келинган хулосалар ҳам учради. Масалан, ҳозирги ўзбек шеъриятида ғазал жанрининг тараққиёт тамойилларини белгилашга ҳаракат қилган Н.Шаропова мазкур жанрнинг муҳим назарий қоидалари, ўзбек мумтоз ва янги давр ғазалчилиги ўртасидаги анъана ва фарқларни жуда асосли тадқиқ этган. Лекин баъзи ўринларда, жумладан, А.Қаҳҳорнинг “Шакл ва мундарижа ҳақида” мақоласидаги аруз вазнига оид фикрларга бирёқлама ёндашган. Зеро, биз истаймизми-йўқми, ғазал жанри замонавий ўзбек шеъриятида жуда гуллаб-яшнаб кетаётгани йўқ. А.Қаҳҳор таъкидлаб кўрсатганидек, аруз ўзбек тилининг имкониятларини чеклаб қўйиши ҳам бор гап. Қолаверса, адиб бу вазндан воз кечиш керак, аруз умрини яшаб бўлди, деган фикрни айтгани йўқ. Аксинча, вазминлик билан мулоҳазаларни шундай баён этган: “Тилимиз арузнинг талабига зид йўлдан тараққий қилаётибди, шунинг учун унинг поэзиямизда келажаги йўқ. Лекин бундан арузни мутлақо ишлатмаслик керак, деган хулоса чиқмайди, чунки транспорт туянинг аҳамиятини йўқотган бўлса ҳам у ҳали яшаши мумкин, бир жойда бўлмаса бир жойда ҳамон қўл келиб туради” (А.Қаҳҳор. Ёшлар билан суҳбат. Т., 1968). Хулоса шуки, ёш тадқиқотчилардан ўз фикрларини ўртага ташлашдан олдин чуқур мулоҳаза юритиш талаб этиладики, бу фойдадан холи эмас.

Энг муҳими Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида ташкил этилаётган илмий анжуманлар адабиётшунослик соҳасининг кўплаб масалаларига ойдинлик киритаётгани, бу билан ўзбек адабиёти, адабий жараён ривожига turtки бераётгани билан муҳим илмий, ижодий аҳамиятга эгадир. Бинобарин, ҳақиқий илм баҳсларда туғилади, деган гап бежиз айтилмаган. Республикамиз олий ўқув юртларида фаолият юритаётган адабиётшунослар, танқидчи ва тадқиқотчилар, ижодкорлар Тил ва адабиёт институтида ташкил этиладиган анжуманларда янги илмий изланишлари, эътиборга молик фикр-мулоҳазалари билан қатнашдилар, деб умид қиламиз.

**Марҳабо ҚЎЧҚОРОВА,**
**Гулноз САТТОРОВА,**
**ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий ходимлари**

ЧОРШАМЪ

# КЎЗ ЎНГИМДА ЎЗГАРДИ БОҒЛАР



## ЯШАШ ФАЛСАФАСИ

Яшаш фалсафаси жуда ҳам содда,
Кўзингда порласин ҳамиша учқун.
Ёшинг еттидами ёки етмишда
Кўнгил қаримаса — яшамоқ мумкин.

Юрак уриб турса гупиллаб, ёниб,
Умрингда қолмаса ечилмас тугун.
Дунёдан завқ олиб, шуурга тўлиб
Меҳру-муҳаббат-ла яшамоқ мумкин.

Тағин ҳаётингда бўлсин бир маъно,
Елгин она Ватан, халқу-юрт учун
Донолар айтгани каби, эй ошно,
Қадринг бор гўшада яшамоқ мумкин.

Йўқса, яшамоқдин не эрур маъни,
Беҳуда емагу-ичмакми яна?
Яшаш фалсафаси шу эрур, яъни
Кўнгил қаридими яшаш бефойда.

* * *

Бу қиз мунча гўзал, мунча ораста,
Соатдай юради, қушдай туради.
Ҳаммаёқ саранжом бўлар бир пасда,
Торгина ҳовлида жаннат қуради.

Кейин зимдан боқиб сўзлайди нозли
Вужудинг ёндириб кетади бу сас.
Шунчалар сирлики, шунчалар нурли,
Уни севмаслигинг сира мумкинмас.

## ҲАР КУНИ

Ҳар куни йўлингта кўзим нигорон,
Соғинчда ёнаман соғиниб нолон,
Кеттим келаверар тонглар сен томон,
Бормасам бир армон, борсам минг армон.

Ҳаёт бу ҳаётдир, хаёл бу хаёл,
Қачон насиб этар бизларга висол.
Ҳусни-жамолинингни, эй соҳибжамол,
Кўрмасам бир армон, кўрсам минг армон.

Ишқ солди жонимга ёлқин, аланга,
Юрагим муштоқдир гулзор, чаманга,
Озорлар етказиб бу жону-танга,
Севмасам бир армон, севсам минг армон.

## ЎЗГАРИШ

Кўз ўнгимда ўзгарди шаҳар,
Кўз ўнгимда ўзгарди боғлар.
Олисларга қарасам ҳатто
Ўзгаргандай пурвиқор тоғлар.

Ҳеч бир нарса эмасдир турғун,
Бунга ишонч ҳосил қилдим мен.
Ҳамма нарса ўзгарди, лекин
Ўзгармадинг фақат сен, кўнглим.

* * *

Ҳар нима бўлмоғи мумкин бу кеча,
Ой кулиб тўлмоғи мумкин бу кеча.

Ёр тикиб осмонга ойдин кўзларин
Мен томон келмоғи мумкин бу кеча.

Васли ишқ соғинчи тўлган кўнгил ҳам
Охири иймоғи мумкин бу кеча.

Икки дунё унут бўлиб чунонан
Бизга бахт кулмоғи мумкин бу кеча.

Минг кеча кутди бу тунни Чоршамъ-эй,
Ишқ учун ўлмоғи мумкин бу кеча.

* * *

Аёллар муҳаббат учун яралган,
Аёллар назокат учун яралган.

Кечмиши бошланиб Момо Ҳаводан
Аёллар нафосат учун яралган.

Оққушга ўхшайди гул баданлари,
Аёллар малоҳат учун яралган.

Ҳар жигарбандига меҳрини бериб
Аёллар тарбият учун яралган.

Сиз уни қийнаманг юмушлар билан,
Аёллар саодат учун яралган.

Зирқираб кетар гоҳ қовурғаларим,
Аёллар садоқат учун яралган.

Куйлашни қўймагил ҳеч қачон Чоршамъ,
Аёллар шеърият учун яралган.

* * *

Умрдин не хато ўтди, ўзимдин изладим доим,
Кўнгилдин не бало етди, сўзимдин изладим доим.

Барорим борида билдим, муҳаббат жонима оро,
Фироқдин не нидо етди, кўзимдин изладим доим.

Висол менга маҳол эрди, маҳоллик кўп малол эрди,
Санамдин не жазо етди, бўзимдин изладим доим.

Кезарман гоҳи боғ-гулзор, гоҳи саҳрою чўл, ё, Раб,
Йўлимни ким раво этди, изимдин изладим доим.

Ўзимга ёлғиз у равшан нечун Чоршамъга мойилман,
Тунимни равшан этмоқни, рўзимдин изладим доим.

Юлдузой ЎРМОНОВА

# СЕН — ИЛДИЗИМ, МЕН — ЮЛДУЗИНГМАН



## МУҲАББАТИМ СЕНГА...

Тақдиримда энг улуғ неъмат —
Юрагимда яшнар буюк ишқ.
Томиримда оқар шеърият,
Илдизим — сўз, маконим — беҳишт.

Жўш уради кўксимда ғурур,
Алангалар олар қаламим.
Кўзларимда яшнаган масрур,
Муҳаббатим сенга, Ватаним...

Сен — илдизим, мен — юлдузингман,
Биз иккимиз бир бутун юрак.
Майли менга сув, ҳаво даркор,
Лек баридан кўпроқ сен керак!

Манглайимга қара, Ватаним,
Унга ўнта зар ҳарф тизилган,
Худойимнинг имзоси билан
"Ўзбекистон" дея ёзилган!

* * *

Тағин келди нигоҳлар тўқнаш,
Юракларни ларзага солиб.
Андишага мағрурлик уйқаш,
Ғурур ғолиб, муҳаббат мағлуб...

Ҳар гал шундай ўтиб кетамиз,
Нигоҳларга санчиб олов — ниш.
Алданамиз ўзга ўйларга,
Беэътибор қолиб кетар ишқ...

Тушунмаймиз бир-биримизни,
Фақат кўзлар сўзлашар ёниб.
Яширамиз бор сиримизни,
Юрак қўйган ташхисдан тониб.

Яшайверса дилда ишқ пинҳон,
Яшнайверар садоқат рамзи.
Ғурур ишққа бош эгмас ҳамон,
Балки шудир муҳаббат фарзи...

## УЙҚУГА АРЗНОМА

Кўзларимга қурсайдинг ин,
Кипригимга илиниб.
Хаёллар ҳам олмайди тин,
Чарчоқ ила тилиниб.

Шамчироқнинг нури зарҳал,
Кўзим олди батамом.
Вақт ҳам бўлди алламаҳал,
Сендан дарак йўқ ҳамон!..

Қайга кетдинг, тоғлар оша
Юрт кезиб юрибсанми?
Ёки денгиздайин тоша
Кўзимда турибсанми?..

Кутиб-кутиб чарчадим, бас,
Энди сени кутмам ҳеч.
Боргин олис юртларга бор,
Мени буткул қўйгин тинч!...

## ЁҒАВЕР, БЕҒУБОРИМ...

Жажжи бағринг бунчалар оппоқ,
Орзуларим сендай беғубор.
Ишққа тўла дилларга ўртоқ,
Ёғавергин, беғуборим қор!

Сени кўплар қумсаган эди,
Улар каби бўлдим интизор.
Тушимда ҳам такроран дедим —
Ёғавергин, беғуборим қор!..

Гулбаҳорга гулдаста тутдим,
Саратонда, кузда ҳам бедор —
О, мен сени қанчалар кутдим,
Ёғавергин, беғуборим қор...

## СОҒИНЧ

Кўзларимга ин қуришган
Бедорликнинг шарпаси.
Кипригимда ялтирайди,
Соғинчимнинг сарпоси.

Юрак ёнар, куяр кўксим,
Айтолмай овворaман.
Сизга борар йўлларимга,
Қайтолмай овворaман.

Бошимда чарх урар минг ўй,
Ўйлайин қай бирини.
Сизга айтар сўзларим мўл,
Сўйлайин қай бирини...

Бардошсизлик деган қудрат,
Бўлиб олган ҳамсоя.
Ахир, қийин экан сизни,
Соғиниб яшаш, ая!..

Ғаройиб тақдирлар

Михли САФАРОВ

# ДА ВИНЧИ ВА ДЕЛЛА ПОРТО



Леонардо да Винчи инсоният тарихида ўтган энг машҳур шахслардан биридир. "Леонардо!" дейилса, сайёрамиз қалпоғини бошдан олиб, ўз даҳо фарзандининг ҳурмат-эътибори қаршисида таъзимга эгилади. Чунончи унинг мўйқалами ато этган нодир рассомлик асарлари, мана неча асрларки, одамзотни ҳайратга ва эзгу ҳис-туйғуларга шерик этиб келяпти. Леонардо да Винчи қомусий салоҳиятли аллома сифатида ҳам шарафлидир. Шунингдек, Леонардони муҳандислик соҳасининг тенгсиз қироли, деб ҳам беҳад эъзозлаймиз. Вақт бизни мазкур шахс тўғрисида мана шундай юксак хулосаларга эга қилди.

Бунинг ҳаммаси Леонардо да Винчи тўғрисида бугунги гаплар. Бугунги хулосалар. Бугуннинг иродаси!

Аммо... ўз даврида, яъни Ўрта асрлар сўнгида Леонардо да Винчига муносабат, унинг шахсиятига қарашлар анча бошқача эди. Чунончи, биз бугун Леонардони Оврупа Ренессанси — Уйғониш даврининг даҳоларидан бири деб баҳолаётган бўлсак, аксарият замондошлари уни асосан "ўзимизга ўхшаган хом сут эмган банда эди" деб билишган. "Тўғри, рассом эди, — дейди улар. — Айрим яхши асарлари бор. Аммо бошлаган кўп фрескалари (девор расмлари) ва ҳайкалтарошлик асарларини охиригача етказмай чала ташлаб қўйган девонаю дарвеш бир ижодкор эди. Ундан не-не буюртмачиларнинг ҳафсаласи "пир" бўлган. Хўш? Нега бу ишларни битказмади? Балки, истеъдоди етишмагандир? Янаям ким билади, дейсиз? Муҳандис деяпсизми? Очиғи бу соҳада ҳам у асосан хаёлпараст эди. Сон-саноқсиз лойиҳаларни чизди, қанча янги нарсаларни яратмоқни хоҳлади. Аммо кўпи қоғозда қолиб кетди... "Аллома" дейсизми? Бе-е!... Нимаси аллома? Ундан аллақандай "Ён дафтарлар" қолди, холос. Етти-саккиз минг саҳифамиди-ей? Ён дафтар, бу, ҳали олимлик дегани эмас-ку! Тўғриси, бу жабҳада ҳам Леонардо бориб турган хаёлпараст эди. Масалан, кўкда учадиган аллақандай "Учар қути"ни яратишга киришди. Итальянлар орасида бир вақт денг: "Синьор Леонардо ҳадемай ўз "қора қути"сини Монте-Чечери ("Оққуш тоғи") чўққиларидан осмонга парвоз қилдирар эмиш" деган гап тарқалди. Сўнгра... буни йигирма беш йил сабр-тоқат билан кутдик. Аммо томоша армон бўлиб қолди бизга. Тағин олим эмиш!.. Нимаси олим унинг?!"

XVI асрнинг илк ўн йилликларида Италия газеталари бошқачасига куйлай бошлади. "Жаноб Леонардо изланишларнинг ҳар хил кўчаларида тентираб, умрини елга совуриб бўлди. Ундан биз ҳам совиб бўлдик. Ҳозир кексайиб, Францияда довдираб юрибди. Ундан олим ҳам, муҳандис ҳам чиқмади. Ўзини қоғозда ва деворларда чизган саноқли бир неча расмлари билан юпантиргани юпантирган. Аммо унга қўшилиб биз, итальянлар ҳам ўзимизга ишонмай турганимизда, бирдан омадимиз кулиб, осмонимизда янги Қуёш балқиди. Бу — синъор Жамбатиста делла Порто! Чақмоқдай бу йигит ўзидан порлоқ нур сочиб, ҳам чор-атрофни ҳамда умидларимиз уфқини ёриштириб юбормоқда. Илму амаллари ақлларни лол қиляпти. Мана бу олим, мана бу даҳо! Шак-шубҳасиз, у итальянларнинг тилла боши! Ва унинг абадий шон-шуҳрати!..."

Хуллас, бу йилларга келиб, Италия матбуоти ва итальянлар назарида, Леонардо тамомила Ерга тушиб бўлган, қандайдир навқирон синъор Жамбатиста делла Порто кўкларда сайр қила бошлаган эди...

* * *

Хўш, ким бўлди бу Жамбатиста делла Порто дегани? Порто жаноблари XVI аср бошларида Неаполда таваллуд топган экан. Шу шаҳарда, алкимёгарлик уринишлари ичида вояга етган ва ёш бўлишига қарамасдан антиқа шуҳрат қозонган. Шу қадар шуҳратлики, уни замондошлари, айниқса, Италия аҳли "буюк кароматчи", "тенги йўқ олим" деб билар, севар, уни еру кўкка ишонишмасди.

Бундай дейишга эса оддий халқнинг асослари ҳам бор эди. Масалан, у "Жоду" деган китоб ёзди. Бу пайтда тахминан йигирма ёшларда эди. Кейинчалик турли хил базм давраларида Порто: "Қарангки, бу китобни ўн беш ёшимда ёзиб ташлаганман. Одам боласи гоҳида Яратганнинг азму иродаси билан мана шунақанги эрта даҳо бўлиб уйғонар экан-да" деб керилиб ҳам қўярди.

Хўш, "Жоду" нима тўғрисида эди? Унинг бир саҳифасида ўқиймиз: "Лампа чироқ шуъласида одамлар от келбатли бўлиб кўринади"... Елка қисамиз: "Бунинг нимаси... жоду?!" Бошқа бир саҳифада эса шундай дейилади: "Оҳанрабо (яъни магнит) ёрдамида хонимларнинг кўнглида қандай сир-асрор борлигини сезиб олиш мумкин". Бу энди бироз жодуга ўхшайди. Аммо бу "кароматга" ишониш қийин. Агар магнит (оҳанрабо) ёрдамида инсон феъли-атворини билиш мумкин бўлса, бу китоб, чиндан ҳам, мўъжизага айланар, у айниқса у Ер юзидаги хавфсизлик тизимларининг табаррук китоби бўлиб қоларди. Ахир дунёда қанчадан-қанча жиноятчи пана-паналарда юрибди! Ушбу антиқа китоб кўмагида наинки уларнинг ўрмондай зулматли қалбида қанчадан-қанча жинояткорона режалар ўймалашиб ётганини оппа-осон билиб олиш, балки ўз вақтида уларни панжаралар ортига жойлаштириб, атроф дунёни хотиржам қилишнинг иложи топиларди. Лекин "Жоду" бундай китоб бўла олмади.

Тўғриси, инсон сирини фош этадиган китобни Жамбатиста делла Порто жанобларининг ўзи ҳам яратишни истамаган бўларди. Ахир ўша магнит (оҳанрабо) кўмагида унинг ўз товламачи қалбини ҳам фош этиш нега мумкин эмас? Энди, ўйлаб кўринг: ашаддий фирибгар кимса ўз-ўзига кишан бўладиган бундай йўриқномани яратадими? Ҳеч-да? Адолатли бўлайлик, Делла Порто ўғрилик қилмади, қотилликдан четда юрди. Лекин бу устаси фаранг, алкимёгар кимса ўз даврида ватандошларини хўп авради, "чув" туширди. Одамлар Портонинг "каромат"ларига алданиб, сеҳрлангандай унга бор бойликларини бағишлашарди. Бу унинг ғаройиб "сири" эди. Акс ҳолда, ҳеч бир саноқда йўқ одам тез орада фақат Неаполда эмас, балки бутун Италияда мартабали, бадавлат одам, муҳтарам синьор даражасига эришганини қандай изоҳлаш мумкин?

Портонинг "Жоду" китоби Италияда бир неча марта қайта ва қайта нашр этилган. Айтишларича, ушбу нашрларнинг барча нусхалари итальянлар орасида қўлма-қўл ўтиб, ўқилавериб, ҳилвираб, титилиб кетибди. "Жоду" француз, испан, араб тилларига ҳам ўгирилиб дунёнинг ўз давридаги энг шов-шувли китобларидан бирига айланган, дейишади. Тарихчилардан бири, китобнинг мазмун-моҳиятини эмас, балки унинг атрофидаги оламшумул шов-шувларни назарда тутган шекилли, "Жоду"ни "Ақл бовар қилмас китоб" деб баҳолайди. Ҳа, бу китобнинг ғалати шон-шуҳрати ҳам, мазмуни ҳам ҳайратингиз бир даражада эди.

Ушбу китоб қандай хосияти билан Уйғониш даврининг "бестеллери"га айланди экан — бунинг сири ўша давр фуқароларига аён. Биз эса «Жоду»нинг шов-шувини тарих китобларидан ўқиб-билиб, фақат ҳайратланишимиз мумкин.

Тарихчилар яна бир қизиқ маълумотни ёзиб қолдиришган. Чунончи, биз лўттибоз деб атаётган Делла Порто, аслида, замонасининг ниҳоятда машҳур ва обрў-мартабали кишилари қаторида экан. Атиги битта далил: масалан, Неаполда уни ўз хонадонларида меҳмон қилиш истагида ва орзусида бўлган не-не мўътабар оилалар бунинг учун махсус рўйхатга ёзилиб, сабр-тоқат ила навбат пойлашар экан. Делла Порто эса ўзини бу орада ниҳоятда улуғ ишлар билан банд кимсадай тутиб, ҳалиги рўйхатни кибру ҳаво билан назаридан ўтказар, ҳатто вақти зиқлигини айтиб рўйхатда турган кимнингдир устидан қора чизиқ тортар ва кимнингдир эъзозлаб, ўтинчини инобатга олиб рўйхатда қолдирар экан. Бунинг устига, Порто жанобларининг ўзларига эътибори неаполликларга зарур эди. Негаким, синъор Порто меҳмон бўлган хонадон, эл наздида, Неаполнинг эътиборли оилалари қаторидан ўрин олар эди. Бундай эҳтиромга эса бор-будингни сарфласанг ҳам арзийди! Алкимёгар Порто ўзи зиёфатда бўлган даргоҳларда кишини лол қолдирадиган кимёвий, физикавий реакцияли кўз бойлағич ҳунарлар кўрсатар, шу йўсинда, илму ҳикматини амалда намойиш этарди. Бунинг устига, у устаси фаранг қартабоз ҳам эди. Базмларда қарта ўйнаб уюм-уюм пул ютар эди. Яна қайси хонадонда бўлмасин, даврадаги хотин-қизларнинг қалбини ўз лутфлари ва латифалари билан бир зумда ром этиб қўярди.

Ниҳоят, унинг афсунгарлик машқлари Рим инквизациясининг Неаполдаги бўлими назарига тушиб, бир неча бор Порто қисқа муддатларда қамоқхоналарда тунашига ҳам тўғри келган. Лекин Неаполдаги энг баобрў зотларнинг тезликда аралашуви билан Порто қамоқхонадан чиқар ва томошага ўч оломоннинг васвасали кузатувида, катта тантаналар оғушида хонадонига етиб олар эди. Шу тарзда, у бошига тушган можаролардан ҳам усталик билан фойдаланиб, ўз мартабасини кун сайин ошириб юрган.

Товламачиликнинг обдон ҳавосини олган Порто ёши бир жойга борган бўлса-да, имонсизлик билан яна бир фавқулодда юмушга қўл уради. У Неаполда "Табиат сирлари академияси" деган ғалати "илм маркази"ини ташкил этади. Ишни эса ноғоралар қоқиб, жўшқин байрамона бошлайди. Масалан, шундай бир гапни бутун Италияга тарқатади: "Бундан кейин ҳеч бир одам ўлмайди. Нега? Чунки бизнинг Академиямиз чорасини излаяпти". Ҳе йўқ-бе йўқ, мана шундай гапларни томдан тараша тушгандай қилиб айтиб, газеталарга интервьюлар беради. Шаҳар аслзодалари тўпланган йирик тадбирларда жўшқин нутқлар ирод этади, баъзи хонадонларда меҳмондорчиликда ўтирганида, сир-асрорли тарзда даҳанини кафтлари билан ярим-ёрти тўсиб, ҳамсуҳбатининг қулоғига шивирлайди: "Ҳамма жойда айтиб бўлмайдиган бир янгиликни сизга маълум қиламан: антиқа дори яратдик! Айни кунларда уни сичқонларда синовдан ўтказяпмиз. Натижаси... кутилмаган даражада зўр! "Нима экан?" дейсизларми? Худо хоҳласа, энди... ўлмайдиган бўласизлар". Базмдагилар бу гапни эшитиб, Портони эмас, балки пайғамбарни кўриб туришганларидай кўз ёшларини тия олмай ўринларидан туриб уни қучоқлаб, чексиз таҳсину миннатдорликларини изҳор этишаркан. Ахир кимнинг ўлгиси келади?! Порто эса мангу ҳаётни ваъда қиляпти! Қойил! Таҳсинлар!!! Беадад офаринлар!!!

Шов-шувлар ҳаддидан беҳад ошавергач, тағин инквизация аралашиб, охир-оқибатда, бош оғриғи Академияни ёпиб ташлади. Тўғри, бу гал Портонинг қўлларини орқасига боғлаб қамоққа олиб кетишмади. Чунки... яна халқ аралашади, оммавий васвасалар жунбушга келади шаҳарда ит эгасини танимайдиган бир аҳвол вужудга келади. Инквизация қароридан чекинишига тўғри келади. Шуларни ўйлашиб, ушбу нозир идора шунчаки, Портони бу хилдаги майнавозчиликлар билан қайта шуғулланмасликка чақириб, мажусий амалларни тўхтатишини талаб қилишиб, уни даҳанаки огоҳлантиришди, холос.

Порто қўлини кўксига қўйиб, дарҳол рози бўлди.

Тўғриси, у инквизациядан ич-ичидан миннатдор эди. Вақтида аралашишди! Акс ҳолда, орадан бироз муддат вақт ўтса, Портонинг ўзи италияликлар орасида шармандайи шармисор бўлиши мумкин эди. Чунки унинг "Академия"си фирибгарликдан бошқа нарса эмасди. Унинг шайтон кўнглида мана бундай ўйлар кечарди: "Ҳа-ҳ, оломон-а! Ҳар бир ўткинчи гапга лаққа тушаверади, бу тўда? Ахир.. қазоси етган бандасига: "Ўлмай тур!" деб бўладими? Нима у, Худомиди? Ажали етгач, одам боласи ўлаверади-да! Фақат, жойи жаннатда бўлсин! Ахир, Исо пайғамбардай сиймолар бу дунёдан кетди-ку?" "Худо" деганича бор экан Портонинг, ёпиғли қозон ёпиғлигича қолди. У хамирдан қил суғургандай балолардан осон қутулди. Ташаккур инквизацияга!..

Аммо Порто кўзлаган мақсадига етган эди. Бутун Неапол, Италиядаги бошқа шаҳарлар ва қишлоқларнинг аҳолиси "Тириклик малҳам"ини топиш йўлида кеча-кундуз жон куйдираётган "Академия"нинг ишлари юришсин деб ва тезроқ бу дорига эга бўлайлик деб Портонинг ҳамёнига миллион-миллион маблағни жарақлатиб инъом этишди. Порто ва унинг атрофидаги товламачи алкимёгарлар деярли етти пуштларига етадиган маблағни жамғариб олишди. "Академия" кўзлаган вазифасини аъло даражада бажарди! Энди, хайр Академия! Йўқ, алвидо, Академия!

Ўзидан ҳол сўраб келган одамларга эса Делла Порто:

— Нима ҳам дердик, пулларингизни... инквизациядан сўрашларингга тўғри келади, — дейди. Дейди-ю, ногаҳонда юраги ўйнаб кетади. Ахир инквизацияга тил теккизиб бўладими? У гапини дарҳол тўғрилайди: "Тўғри, пулларингни инквизация олди, демаяпман. Лекин инквизация Академияни ёпди. Пировардида, академияни очишга сарфланган маблағлар, шундай қилиб, кўкка совурилди. Мана, кўриб турибсизлар, сизлар сингари ўзим ҳам "чув" тушиб ўтирибман. Эссиз, эссиз-а! "Абадий тириклик" малҳамини топишимга бир баҳя қолувдия!... Тараққиёт, илмнинг йўли оғир экан, — у йиғламоқдан бери бўлиб, ҳамсуҳбатидан юзини ўгиради. Шоввоз ҳамсуҳбат бундай ачинарли ҳолатни кўриб, пулини талаб қилиш ўрнига, товламачининг муғомбирона ўгирилган елкасига қоқиб, унга ўз ҳамдардлигини билдиради ва ими-жимида хонани тарк этади...

Кейин нима бўлганини тарихчилар хабар қилишмайди. Ҳа, айтмоқчи, ўша кунларда Италияда қўлбола дурбин кашф қилиниб қолди. Ким кашф этганлиги аниқ эмас. Аммо соч-соқоли оқариб қолган Делла Порто жаноблари хонадонларда меҳмонда юрар экан, ҳадеб "Уни, мана, мен яратганман" деб мақтанар, бунинг исботи учун қўлидаги ўша қўлбола дурбинни базм аҳлига намойиш этарди. Ким билади дейсиз, балким, чиндан уни Порто ясагандир. Балким, у ҳали эл орасида тарқалиб улгурмаган бу оптик буюмни соддадил асл ихтирочидан харид қилиб, ўзиники қилиб олиб, тағин кўз ва ақлларни шамғалат қилиб юргандир. Чунки Портодан ҳар нарсани кутса бўларди.

Бошқа яна қандай фикрга боришимиз мумкин? Энг хунук ҳақиқат эса бизга аниқ: Порто Ўрта асрларнинг буюк товламачиси эди. Оврупа Уйғониши мана шундай шахсларнинг "салоҳияти"ни ҳам уйғотиб юборди. Ренессанс, чиндан ҳам, мураккаб, чигал жараён эди.

Аммо бу тарихий даврнинг ҳақиқий даҳолари ким эканлиги бугун ёруғ оламга яққол равшан. Ҳақиқий илм, ҳақиқий истеъдод, барибир вақти келиб юзага чиқар экан. Ўз даврида турли-туман кесатиқларни эшитишига тўғри келган Леонардо да Винчини бугун Вақт бамисоли Қуёшдай юксалтириб маънавият, маърифат, фан ва санъат кўксида порлатиб юборди. Қуёш эса абадий нур сочади.

Алкимёгар Жамбатиста делла Порто эса тарихнинг англашилмовчилигидай бир ҳодисага айланди. Нари борса, уни лўттивозликнинг мумтоз рамзи қабилида эслашади. Кулгу-киноя билан ёдга оладилар!

Тарихнинг ана шундай ҳазиллари ҳам бор...

# ПОЙГАДА ҒОЛИБ БЎЛИШ ОСОНМИ?

**Кино санъатининг имкониятлари бутун чегара билмайди. Унинг мавзу доираси шу қадар кенгки, ҳатто зийрак томошабин ҳам соҳили кўринмайдиган беҳисоб филмлар денгизида манзилни йўқотиши ҳеч гапмас. Зеро, бир ижодкорни филм яратишга ундаган мавзу бошқа ижодкорга илҳом бахш этиши табиий ҳол. Бу жараён замонавий ўзбек киноси учун ҳам бегона эмас.**

Миллий кино санъатимизнинг сўнгги йиллардаги тараққиёт йўлига назар солар эканмиз, хусусий кино соҳаси учун янги мавзуга мурожаат қилиш жиддий муаммога айланганига гувоҳ бўламиз. Очиғини айтганда, тижорат мақсадида суратга олинган филмларнинг аксарият қисми ҳанузгача маиший мавзулар доирасидан чиқолмаяпти. Эҳтимол, айрим мутахассислар буни табиий жараён сифатида баҳолашар. Сабаби мавзу ранг-баранглигига эришиш учун узоқ вақт талаб этилади. Бироқ тезкор тараққиёт жараёни ортда қолаётганларни кутиб турмайди. Буни ўзбек киносига кириб келаётган янги авлод ижодкорлари ҳам тасдиқламоқда.

Яқинда, Алишер Навоий номидаги кино саройида тақдимоти бўлиб ўтган "Пойга" филми мутахассисларни жиддий мулоҳазага чорлагани аниқ. Ёш режиссёр Абдувоҳид Ғаниев суратга олган мазкур филм, айниқса, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилганига гувоҳ бўлдик. Шу ўринда филм ҳақида билдирилган қизиқарли бир фикр эътиборимизни тортди. Яъни, "Пойга" филми ижодкорлари ўзбек киноси тарихида биринчилардан бўлиб, машиналар пойгаси мавзуига мурожаат қилишибди. Албатта, бу шунчаки оддий эътироф эмас. Чунки "Пойга" филмининг мавзуи чинданам кино санъатимиз учун янгилик ҳисобланади.


Филмдан лавҳа.

Бироқ машиналар пойгасини жаҳон киноси учун ҳам янгилик деб атай оламизми? Бугун ушбу саволга ҳатто кичик ёшдаги кино мухлислари ҳам аниқ жавоб бериши мумкин. Негаки, машиналар пойгаси Голливуднинг сийқаси чиққан мавзулари қаторидан аллақачон жой олишга улгурган. Албатта, жаҳон киносида оммалашган мавзулар миллий кинематографиямизда янги талқинини топаётгани ижобий ҳолат. Зеро, истъедодли ижодкорлар жамоаси кўҳна мавзудан ҳам янги филм ярата олади.

Юқорида таъкидланганидек, пойга мавзуида яратилган асарлар орасида катта шов-шувга сабаб бўлганлари ҳам йўқ эмас. Масалан, чапдаст пойгачиларнинг саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилувчи машҳур "Форсаж" туркумидаги филмлар жаҳон кино бозорида катта маблағ тўплаган. Аммо пойга мавзуидаги филмларнинг ҳеч бири нуфузли мукофотларга лойиқ топилмагани ҳам ҳақиқат. Сабаби юқоридаги филмларнинг асосий қисми тижорат мақсадида яратилади. Табиийки, уларнинг умри жуда қисқа бўлади.

Дунёни ларзага солишга қодир мотор наърасини эшитибоқ бутун диққатимиз экранга қаратилади. Икки тезкор машина марра сари шамолдек елиб бормоқда. Кутилмаганда пойгачиларнинг бири бошқарувни йўқотади ва ҳалокатга учрайди.

Сценарий муаллифи Шоира Ғиёсова томонидан яратилган мазкур драматик ҳолат хорижий филмлар орқали бизга яхши таниш. Бироқ филм воқеалари хорижда эмас, Андижон шаҳрида юз беради. Ёш пойгачилар гуруҳи ҳар куни шаҳар марказида ноқонуний мусобақа ташкил қилишни одат қилишган. Табиийки, йўл-патрул хизмати ходимлари пойга ғолибини сира қўлга туширолмайди. Капитан Ботир Мусаев қанчалик ҳаракат қилмасин, Учар лақабли пойгачи ҳар сафар уни доғда қолдиради. Узоқ давом этган омадсизликлардан сўнг, ниҳоят, Учар пойгачи қўлга олинади. Аммо кутилмаганда Учар пойгачи жиноий тўда бошлиғини жазолаш мақсадида мусобақаларда иштирок этаётгани маълум бўлади. Бундан ташқари, у капитан Б.Мусаевнинг яккаю ягона қизи Одилани севиб қолади.

**Шахсий мулоҳаза**

Албатта, бундай ранг-баранг воқеалар ечими мухлислирда қизиқиш уйғотишига шубҳа йўқ. Бироқ филмни томоша қилиш жараёнида мулоҳазага чорлайдиган баъзи саволлар ҳам пайдо бўлади. "Пойга"да акс этган воқеалар бугунги ҳаётимизда учрайдими? Умуман, филм воқеалари реал ҳаётга қанчалар яқин? Бу борада ҳар бир томошабин ўз фикрига эга бўлса-да, филм қайси мавзуда яратилишидан қатъий назар ҳамиша ҳаёт ҳақиқати билан уйғун бўлиши лозим.

Афсуски, "Пойга" филмидан ўрин олган воқеларнинг аксарият қисми реал ҳаётий асосга қурилмаган. Филмни томоша қилиш жараёнида мухлислар кўплаб тасодифларга дуч келишининг сабаби ҳам шунда. Аввало, "Одила ва Учар пойгачи нима сабабдан учрашиб қолишди?", деган савол туғилади. Зокир минглаб одамлар яшайдиган шаҳарда Б.Мусаевнинг қизига кўнгил қўйишига нима туртки бўлди? Эҳтимол, буни Зокирнинг айёрлиги сифатида баҳолаш мумкиндир. Бироқ Одила ишдан кеч қолган отасини излаб юрганида қандай қилиб Учар пойгачи билан учрашиб қолди? Нега уни фош этмади?

Майли, юқоридаги ҳолатларни ҳар қандай филмда учраши мумкин бўлган жузъий камчиликлар сифатида қабул қилайлик. Аммо картина воқеаларидаги баъзи мантиқий бузилишларни оқлашнинг сира иложи йўқ. Масалан, Б.Мусаев қизи Одилани олиб кетиш учун университетга келади. Шу пайт Зокир ўзининг тарвуз ортилган эски "Москвич"ида пайдо бўлади. Б.Мусаев Зокирга қизини уйга олиб бориб қўйишини топширади. Шу паллада Б.Мусаевга Учар пойгачининг мовий "Lacetti"сини шаҳарда кўришгани ҳақида маълумот беришади. Ҳолбуки, Учар пойгачи Б.Мусаевнинг қаршисида турибди!

Жиноятчиларни қўлга тушириш операцияси давомида барча айбдорлар ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинади. Бироқ асосий жиноятчилардан бири Учар пойгачи эса ҳеч қандай қаршиликсиз темир тулпорига ўтириб жуфтакни ростлайди. Томошабин, Зокир жиноятчиларни тутишга ёрдам бергани учун айби кечирилгандир, деб ўйлайди. Орадан кўп вақт ўтмай Одиланинг кўз ўнгида Зокирни қўлига кишан солиб, олиб кетишади. Зокирга тўрт йил қамоқ жазоси берилган бўлишига қарамай, тез орада тўй ўтказилади ва ёшлар турмуш қуришади.

"Пойга"даги бадиий нуқсонлар фақатгина сюжет билан боғлиқ эмас. Актёрлик ижроси масаласида ҳам эътироз уйғотадиган ҳолатлар талайгина. Аввало, бош қаҳрамонлар Зокир ва Одила роли ҳали етарли тажрибага эга бўлмаган Йигитали Мамажонов ва Асал Шодиева каби ёш актёрларга топширилган. Сабаби, ҳар икки рол талқини ҳам профессионал актёрлик маҳоратни талаб қилади. Мисол учун, Йигитали Мамажонов бир вақтнинг ўзида икки қаҳрамон қиёфасини яратиши лозим эди. Улардан бири ўта чапдаст Учар пойгачи қиёфаси, иккинчиси эса машинасини тез ҳайдашга сира жазм этолмайдиган камтар йигит Зокир образи. Тўғри, Й.Мамажонов имкон қадар қаҳрамонининг мураккаб дунёсини очиб беришга ҳаракат қилган. Шунга қарамай, Учар пойгачи қиёфасидаги аксарият жиҳатлар тўла очилмай, мавҳумлигича қолган.

Филмга Матёқуб Матчонов (Ботир Мусаев), Шоҳида Исмоилова (Б.Мусаевнинг рафиқаси), Муқаддас Ҳолиқова (Суд раиси), Абдураим Абдуваҳобов (Устахона бошлиғи) каби тажрибали актёрлар ҳам жалб этилган. Афсуски, юқоридаги актёрлар ижро этган ролларнинг ҳеч бири алоҳида кўзга ташланмайди. Аксарият қаҳрамонларнинг характерини яратишда қолип бўлиб қолган ижро услибларидан кенг фойдаланилган. Филмда бош қаҳармонлардан бири Ботир Мусаевни гавдалантирган Матёқуб Матчонов ижроси бунга мисол бўлиши мумкин. Актёр рол устида изланишдан кўра, хусусий филмлар орқали бизга яхши таниш бўлган жайдари, дангалчи инсон қиёфасини акс эттиришни маъқул кўради. Шу туфайли Матёқуб Матчоновнинг ҳатти-ҳаракатлари кўп ҳолларда фақатгина кулгу уйғотишга хизмат қилади. Драматик саҳналарда эса актёр ижросига кескинлик, психологик кечинма етишмайди.

Филм якунидаги суд воқеасига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу саҳна томошабинларга Эльдар Рязановнинг машҳур "Автомобилдан сақланинг" филми воқеаларини ёдга солган бўлиши аниқ. Судда иштирок этган гувоҳларнинг деярли барчаси Учар пойгачининг қилмишларини оқлашади. Шифохонада ишлайдиган ҳамшира аёлнинг таъкилашича, Зокир ноқонуний пойгада қўлга киритган барча ютуқларини шифохонадаги ёрдамга муҳтож одамларга улашган. Афсуски, Учар пойгачини чиндан ҳам ижобий қаҳрамон, деб айта олмаймиз. Сабаби унинг айби билан ёш пойгачиларнинг бири бутун умрга ногирон бўлиб қолади. Тўғри, Зокир пойгада иштирок этиш орқали болалигида оила аъзоларини ҳалок этган жиноятчилар бошлиғини топишни мақсад қилган. Шунга қарамай, Зокирни муҳтожларга ёрдам бериш истаги эмас, балки қасос олиш туйғуси жиноят йўлига бошлайди. Тўғри, "Автомобилдан сақланинг" филми бош қаҳрамони Деточкин ҳам жиноят содир қилади. Аммо Деточкин адолат ўрнатиш, порахўрларни жазолаш мақсадида бу ишга қўл уради. Шу туфайли суд иштироклари Деточкиннинг мақсади аслида эзгуликка қаратилганини, том маънода у айибсиз эканини бир овоздан таъкидлашади. Энг муҳими буни филмни томоша қилган мухлислар ҳам тушуниб етади.

Таъкидланганидек, хусусий студиялар асосан тижорат мақсадида филм яратишади. Шу сабабли "Пойга" каби филмлар кўп ҳолларда бадиий кино талабларига тўла жавоб бермаслигини тушуниш мумкин. Бироқ, ажабланарли жиҳати шундаки, "Пойга" "Санъат-Маъно" студияси томонидан "Ўзбеккино" миллий агентлиги буюртмасига асосан суратга олинган. Филмнинг тақдимот маросимида эса картина "Обод турмуш йили" давлат дастури белгиланган асосий вазифалардан келиб чиққан ҳолда яратилгани алоҳида таъкидланди. Ваҳоланки, "Пойга" филмининг айнан қайси жиҳати обод турмуш ғояларига уйғун эканини англаш қийин.

Филм чиндан ҳам қизиқарли сюжетга эга эканини эътироф қиламиз. Картинада мураккаб компютер эффектларидан ҳам унумли фойдаланилган. Ўзбек киносида ҳали бундай талқиндаги асар яратилмагани аниқ. Бироқ ойни этак билан ёпишга қанчалик ҳаракат қилмайлик, "Пойга" филмининг бадиий савиясини белгилаб берувчи асосий омиллар, яъни режиссура, актёрлик иши, оператор маҳорати талаб даражасида эмас. Бундан ташқари, машиналар пойгаси акс этган мураккаб тасвирли филмни яратиш учун ҳали хусусий студияларнинг техник имкониятлари етарли эмаслиги яққол сезилган.

Изланиш бор жойда камчиликлар учраши табиий ҳол. Ёш кино ижодкорларига ўз маҳоратларини намоён этишлари учун ҳамиша имкон бериш зарур. Зеро, ҳар бир кино устаси кўнглига ёққан мавзуда филм яратишни истайди. Бироқ ижодий эркинлик тушунчасини хориж киносидан тўғри келган мавзуни ўзлаштириб, уни янги йўналишдаги филм сифатида тақдим этишдан иборат деб ўйласак, адашамиз. Миллий кино санъатимиз анъаналаридан чекинган ҳолда Голливуд ижодкорлари билан баҳсга киришиш фойда келтирмаслигини ёш ижодкорлар тушуниб етиши лозим. Негаки, бу пойгада ғолиб келиш осон эмас.



**Азиз ИМОМОВ**

# ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Ижодий сафарлар ҳар бир театр фаолиятидаги муҳим жараён. Бугун нафақат пойтахтимизда, балки вилоятларда ҳам ўзига хос театр муҳити вужудга келган. Шу туфайли вилоят жамоалари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, янги изланишларни тарғиб қилиш мақсадида ҳар йили ижодий сафарлар ташкил этиш анъанага айланди. Хусусан, "Ўзбектеатр" ташаббуси билан бу йил бир қатор муваффақиятли лойиҳалар амалга оширилди.

Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри ҳамда Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят театрининг ижодий ҳамкорлиги узоқ йиллардан буён давом этиб келмоқда. Бу театрлар фаолиятидаги муштарак жиҳатларни шу йилги ижодий сафар давомида ҳам кўриш имконига эга бўлдик.


"Хазина" спектаклидан лавҳа.

Дастлаб, Сурхондарё вилоят театри жамоаси Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида меҳмон бўлиб, "Илондара" спектаклини намойиш этди. Бу спектакл ғоявий ва бадиий жиҳатдан пухталиги билан аксарият томошабинлар эътиборини қозонди. Унда юрт тинчлигига рахна солишга, инсонларнинг тинч ҳаётини бузишга уринаётган ватанфуруш, террорчиларнинг жиноятлари фош этилади. Спектаклда бош ролларни Бозор Рамазонов, Расул Рахматов, Аббос Жумаев, Шуҳрат Шокиров, Гавҳар Оролова каби актёрлар ижро этишган. Улар саҳнада бор имкониятларини намойиш этиб, ёрқин образлар яратишга эришишди. Муҳими, Қашқадарё театри жамоаси янги спектакл намойиши жараёнида Сурхондарё театрининг ижро имониятлари, актёрлик ва режиссёрлик санъатидаги изланишлардан хабардор бўлишди.

**Вилоят театрларида**

Ўз навбатида Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрининг ёш актёрларидан иборат жамоа ҳам Сурхондарё вилоятига ижодий сафар уюштирди. Актам Бойтўраев томонидан саҳналаштирилган "Хазина" мусиқали томошаси вилоят саҳнасида бир неча кун давомида томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Ш.Маҳкамовнинг "Қутича" пиесаси асосида яратилган "Хазина" спектаклининг воқеалари бош қаҳрамон Эсонбойнинг хонадонида юз беради. Эски девор ичидан топилган қутича туфайли воқеалар ва қолаверса қаҳрамонлар характери буткул ўзгача тус олади. Асар қаҳрамонлари тўсатдан топилган "бойлик"дан саросимага тушиб, ўзларини йўқотиб, турли, кулгили вазиятларга тушишади. Спектаклда Эсонбой, Зуҳрахон, Тешавой каби замондошларимиз қиёфалари орқали одамларнинг бир-бирига ҳурмат-эътибори, меҳр-оқибати аслида энг катта бойлик экани таъкидланади.

Спектакл воқеалари марказида Фарҳод Бойназаров яратган Эсонбой образи туради. Актёр бу қаҳрамон характерида юмшоқ табиат, аёлининг измидан чиқмайдиган эр қиёфасини маҳорат билан талқин этган. Образ моҳиятини очишда Ф.Бойназаров, аввало, комедик ижрога суянади. Унинг Зуҳрахонга тавозе кўрсатиши, отасидан қолган эски девор ичидан топилган қутичани кўриб хом хаёлларга берилиши томошабинларда беихтиёр кулгу уйғотади. Актёр бу ҳолатларни очиб беришда турли имо-ишоралардан унумли фойланган. Айниқса, қаҳрамон характеридаги ўзгаришлар пластик ҳаракатлар орқали ифодалангани эътиборга лойиқ.

Топган бир-икки сўм пули эвазига босар-тусарини билмай қолган, аёллик зийнати ва инсонийлик туйғуларидан йироқлашиб бораётган аёл Зуҳрахон қиёфаси Насиба Худойбердиева томонидан талқин этилади. Аслида режиссёр асарнинг мазмун-моҳиятини айни шу аёл характеридаги ўзгаришлар орқали очиб бериши зарур эди. Бироқ бу жиҳат эътиборсиз қолган. Персонажларнинг ҳаракатлари биринчи планга чиқиб кетиши асарнинг томошавийлигига путур етказган. Асардаги бош мақсадни тўлақонли очиш учун Зуҳрахоннинг кечинмаларига эътибор қаратиш зарур эди.

Томошада илгари сурилган мавзу бугунги кунимиз учун долзарб аҳамиятга эга. Аммо асарда зўрма-зўраки, мажбуран сингдирилган айрим ҳолатлар мавжуд. Воқеалар давомида бачкана ҳатти-ҳаракатлар кўп такрорлангани сабабли қаҳрамонлар характерида аниқлик етишмайди.

Теша — Шерали Шониёзов воқеалар ривожига деярли таъсир кўрсатмайди. Аксинча, унинг сўз ва ҳаракатлари томошабинда мажбуран кулгу уйғотишга қаратилган. Бундай ҳолатларни Холдор Хонниёзов ҳамда Ориф Маматов ижро этган маҳалла нозири ва қўшни ролларида ҳам кузатиш мумкин.

Очиғини айтганда, Қашқадарё театри репертуарида ғоявий, бадиий талқини жиҳатидан тош босадиган "Лайли ва мажнун", "Нуҳ кемаси", "Ҳамиша байрам ёҳуд Алихонлик Гамлет", "Ғурбатда ғариб", "Боғбон қиз", "Кампир топайми дадажон?" каби спектакллар бўлишига қарамай, ижодий сафар учун "Хазина" спектакли танлангани ажабланарли ҳол.

Гастрол сафари чоғида ижодкорлар ўзаро фикр алмашиш, ижодий мулоқотлар ташкил этиш имконига ҳам эга бўлишди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, тажрибали режиссёр Мансур Равшанов Қашқадарё театрининг ёш актёрларига тегишли йўл-йўриқлар берди. Асосийси, бу ижодий сафарлар ҳар икки театр жамоаси учун ҳам янги марраларга эришиш йўлида жиддий синов бўлди.



**Фахриддин АБДУВОҲИДОВ,**
**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти катта ўқитувчиси**

# ЯНГИ "ИЖОД САРЧАШМАЛАРИ"

Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, рассом Темур Саъдуллаевнинг "Ижод сарчашмалари" номли шахсий кўргазмаси очилди.

Томошабинларни музей фойесида Т.Саъдуллаев мустақиллигимизнинг 22 йиллиги байрамига армуғон қилган "Бувимнинг эртаги" номли кенг қамровли ижод намунаси кутиб олади. Мусаввирнинг таъкидлашича, ёшлигида онаси Ибодатхон аядан эшитган ривоятлар мазкур асарни яратишга ундаган. "Бувимнинг эртаги" еттита қисмдан ташкил топган бўлиб, уларни шартли равишда "Тафаккур мезони" триптихига, "Сумалак" диптихига, "Уч оғайни ботирлар" ва "Висол" рангтасвир асарларига бўлиш мумкин. "Висол"да севишганларнинг тоғ чашмаси лабидаги учрашуви акс эттирилган. Тириклик манбаи сув ҳамда ҳаётнинг бардавомлиги, узвийлигининг рамзи бўлган чархпалак асар сюжети ва композицион қурилишида ҳаётий-фалсафий маъно касб этади. "Уч оғайни ботирлар"даги оловпуркар аждар билан кураш саҳнаси томошабинларни эртакларнинг сеҳрли оламига чорласа, "Сумалак" ўзбек халқининг бой урф-одатлари ва қадриятлари ҳақида ҳикоя қилади. "Тафаккур мезони"да буюк бобокалонларимиз сиймолари тасвирланган.

**Кўргазма залларида**

Кўргазмадан жой олган асарларни кузатар эканмиз, Т.Саъдуллаев ижодида, айниқса, Алишер Навоий сиймоси алоҳида ўринга эга эканига гувоҳ бўламиз. Буюк шоирнинг ижоди мусаввир учун илҳом манбаи сифатида хизмат қилади. Бу ҳол "Алишер Навоий" портретида ҳам яққол намоён бўлган. Шу билан бирга кўргазмада рассом ижодидаги янги йўналишлар ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достони учун ишланган асарида Т.Саъдуллаев етти гўзал маликаларнинг қиёфалари, уларнинг имо-ишоларини тасвирлашда миниатюрага хос анъанавий услублардан чекиниб, реалистик талқинга мурожаат қилган.

Т.Саъдуллаев моҳир график, китоб безакчиси сифатида ҳам ижод қилиб келмоқда. Кўргазмада рассомнинг "Тоҳир ва Зуҳра", "Широқ", "Ўғузнома", "Тўмарис" каби ўзбек халқ достонлари, ўзбек ёзувчиларнинг асарларига ишланган ўзига хос илюстрациялари намойишга қўйилган. Томошабинлар шунингдек, мусаввирнинг Адабиёт музейи экспозиция залларидан ўрин олган қирқдан ортиқроқ рангтасвир асарлари билан ҳам танишиш имконига эга.

**Бахтиёр ТОИРОВ**

# "ТОНГ ОТГАН ТАРАФЛАРДА"

Бошланиши биринчи саҳифада.

Шоир ва драматург Усмон Азим асари асосида яратилган спектакл ўзига хос сокин манзара билан бошланади. Қалмоқ элида банди бўлиб ётган Алпомиш (А.Набиев) зиндонга тушиб қолган ғозни авайлаб, эзгу умид илинжида қанотига мактуб боғлайди. Сўнг асосий воқеалар содир бўладиган Тонгли эли намоён бўлади. Ота васиятига биноан ёлғиз фарзандларини авайлаб ўстираётган Тонгёруғ (Ш.Исмоилова) ва Кунёруғ (Г.Жуманазарова) каби рамзий образлар асарга фалсафий-поэтик жозиба бағишлайди. Тонгёруғнинг яккаю ягона ўғли Ёлғиз мерган (Ҳ.Ҳасанов) учиб кетаётган ғозни ўққа тутмоқчи бўлади. Бироқ муштипар она Алпомишнинг мактубини олиб кетаётган халоскор ғозни пайқаб, ўғлини бу ниятидан қайтаради. Шу вақтгача бирор ўқи зое кетмаган Ёлғиз мерган ғозни отолмагач, аламзада бўлиб, дардга чалинади.

Айтиш лозимки, спектакл бақувват адабий асосга эгалиги ёш режиссёр талқинлари юзага чиқишида муҳим омилга айланган. Асқар Холмўминов рассом Флюра Газизова билан ҳамкорликда ёлғизкапа чодирни ёдга солувчи, марказига оппоқ мато тортилган янгича сценографик ечим яратган. Бу топилма, аввало, муаллиф бадииятини саҳнавий инкишоф этиш имкониятини берса, иккинчи томондан спектаклда кўрсатиш қийин бўлган мураккаб вазиятларни таъсирчан ва томошабоп ифодалашга хизмат қилади. Арқонлар билан иҳота қилинган чодир Алпомиш ётган зиндон, Мангуқут васият қилган қароргоҳ, Ёлғиз мерган дард талашган кулба, Бўлган кал фол очувчи маскан ва яна қатор шартли маконларга алмашинадики, воқеалар ривожида мантиқий бўлиниш кузатилмайди.

Спектакл якунидаги онанинг ғозга айланиш саҳнаси ҳам ниҳоятда таъсирли чиққан. Тонгёруғ ўралган оқ мато икки томондан тортилиб ғознинг қанотларига айланади, навқирон ўғил ғоз қайтиб келганидан хурсанд бўлиб, ўқ узади. Фарзанд пайконига нишон бўлган онанинг жисми матога бурканиб, бир парча бўздек дийдираб, ерга тушади. Ёлғиз мерган ушоқдек бўлиб ётган онасини кўриб, фарёд чекиб йиғлайди. Сўнг тақдирига битилган Мангуҳаёт (Н.Анорбоева)ни топади.

"Тонг отган тарафларда" спектаклининг илк кўриги ва тақдимотидан сўнг ўтказилган муҳокамаларда асарнинг жозибадор тили, ёш режиссёрнинг ноёб бадиий топилмалари, рассом ишлаган сценографик воситалар, асарга миллий руҳ бағишлаган чанқовуз, сибизға, дўмбира каби созларнинг садоси ва бошқа муваффақиятлар тилга олиниб, Миллий театр ўз мақомига муносиб янги асар билан бойигани эътироф этилди. Дарҳақиқат, ўтмишдан садо берувчи ривоят бугунимиз учун ҳам долзарб аҳамиятга эга. Спектакл мардлик, фидокорлик, номус ва орият каби қадриятларни улуғлайди, фарзанд, оила, энг муҳими, Ватанни севиш фазилатларини тарғиб қилади. Покиза ва виждонли инсонлар ҳаёт кечирадиган Тонгли эли тимсолида соғлом, барқарор жамият қуриш орзуси бадиий талқин этилади. Спектакл якунида Ёлғиз мерган томонидан айтилган сўзлар гўё бутун аёллар зотига берилган ваъда бўлиб янграйди: "Менга кўнгил берсанг бир умр кокилларингни тарайдиган шамолинг, кунларингни ёритадиган офтобинг, ўртансанг "оҳ"инг, кулсанг кулгинг бўламан, кўнглингда орзу, жонингда ғулу бўламан. Ёв сенга етмайди, ғам сенга етмайди, умринг бўйи ёнингда қалқонинг бўламан".

**Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ**

# БИР ТУП ЎРИК

Куз охирлаб қолган кезлар эди. Тонгги шабада ҳовлидаги дарахт хазонларини тилло тангаларни шопиргандек уёқдан-буёққа учириб ўйнайди.

— Дадаси, бугун уйдасиз. Ҳовли-жой юмушларига қарашиб юборсангиз бўларди, — деди хотиним мулойим оҳангда. — Дарахтларнинг шохларини бутаб, қайчи урмасангиз ўрмон бўлиб кетди. Кейин анави ўрикни таг-туги билан олиб ташлаш керакми? Куз келди дегандан хазон супуриб келинларнинг тинкаси қурийди. Уларга ҳадеб ёмон кўрингим келмайди.

— Шунча йилдан бери қизимиз чурқ этмасдан хазонларни тозалаб супуришдан эринмасди. Энди келинларга малол келадиган бўлдими? — дедим ҳазил оҳангида.

— Ҳа, энди улар бировнинг боласи, ҳадеб иш буюролмайман, шундоқ ҳам ҳовлидаги юмушлар етиб ортади.

— Майли, сиз нима десангиз шу, онаси. Бажариш биздан-да.

Шундай дедиму, қўлимга арра, болта олиб дарахтлардаги ортиқча шохларни олиб, буташга киришдим. Аслида ҳовлида яшаган одам учун ортиқча нарсанинг ўзи йўқ. Шох-шаббалар ҳам керак. Тандирга қаласангиз нон, ўчоққа ташласангиз ош пишади. Пешинларга бориб навбат аёлим айтган ўрикка келди. Илгари эътибор бермаган эканман. Ўрик ростдан ҳам тарвақайлаб кетган экан.



Аввал болта, сўнгра арра билан уни ағдаришга киришдим. Бўлмади. Ўрик тагига қўйилган сўрига ўтирдим. Дарахтга зимдан қарадим. Ўтган кунлар бир-бир ёдимга келди. Ўша пайтда уй-жой қуриш учун ер майдони берилаётган эди. Бир куни отам раҳматли уйга очилиб кириб келди.

— Онаси, мана бизга ҳам томорқага ер ажратишди. Бир чеккасига янги уй қурамиз, ўғилни уйлантирамиз. Ҳаракатингни бошлайвер.

Ўша йили эрта баҳорда отам тўрт туп хурмо ва бир туп ўрик кўчати олиб келди. Ниҳолларни менга узатиб:

— Ҳовлининг бир четига экиб қўй. Ҳадемай ҳосилга кирса, оғзингдан бол аримайди, — деди.

Аста ўрнимдан турдим. Қўлимдаги болта билан ўрик танасига бир-икки урдим. Бўлмади. Арра солдим. Кучим етмади. Аслида ҳам шундайми? Йўқ. ўрик дарахтини олиб ташлагим келмасди. Лекин унга яқин экилган узум новдаларининг авжи яхши эмас.

— Ҳой, дадаси, чарчадингиз чоғи. Бирор пиёла чой ичиб олинг. Бугун бўлмаса эрта бор. Ўғилларингиз келиб қолса қарашиб юборар.

Секин чойга қўл чўзаман.

— Онаси ростдан ҳам ўрик жуда яйраб-ёйилиб кетган экан-да. Шу кулатиб ўтирмай, бутаб қўяқолсамми, дейман. Ҳар ҳолда мағизи ширин ўрик-да, нима дейсан?

— Ўғлингиз йўлакни кенгайтириб чиройли бир нималар ётқизаман, ҳовлига ҳаво кирсин дейди. Шуни мевасини емасак емабмиз. Олиб ташлайверинг.

Қатра

Гапириш осон-да. Ўрик, ҳали айтганимдек, биз янги ҳовлига кўчиб кирмасимиздан илгари экилган. Мевасидан бир биз эмас, қўни-қўшни, опа-сингил, аммаю-холалар ҳам баҳраманд бўлишган. Бир ниҳолни ўстириш, унинг ҳосилидан баҳраманд бўлиш учун неча йиллар керак. Аммо болалар ҳовли-жойга қарайман, ўзгартираман дебдими, майли бу жойлар энди уларники. Улар нима деса, шу-да.

Ниҳоят қўлимга болтани олдим. Яна бир-икки ҳамла қилдим. Кунботарга яқин дарахт наъра тортган шер мисол ерга қулади. Шу пайт ичимдан бир нима узилгандай бўлди. Буни ифода этишга тил ожиз. Кўзларим ёшга тўлди. Секин ерда тарвақайлаб ётган ўрик дарахтига ўтирдим. Энди кўзларимдаги ёшни тийиб тура олмадим. Шу пайт хотиним келди.

— Ҳа, дадаси бирор нима бўлдими?

— Хавотир олма, онаси. Ҳаммаси яхши. Фақат отам ёдимга тушиб кетди. — Эсингда бўлса, бу ниҳолларни отам олиб келган эди.

— Ҳа, ҳаммаси эсимда. Лекин начора. Ҳовлининг четроғида бўлгандаку тураверар эди.

Ўтирганча ўй сурдим. Ўшанда эндигина ота-она бағрида яшаб рўзғор деган залворли юкни елкага олгандик. Болалар ҳали ёш, бири мактабга, яна бири боғчага қатнарди. Ҳовлимизда бир неча шафтоли дарахти ҳам бўларди. Бир куни қайнонам келиб қолди. Рўзғордаги бир оз етишмовчиликдан хабар топганлар, чоғи.

— Шафтолини, ўрикни териб беринглар. Сотиб келаман. Рўзғорга ул-бул олиб келасизлар.

Биргалашиб меваларни териб бозорга олиб бориб бердик. Отам айтганларидек, кунимизга ҳам яради. Буёғини айтсам, шу бир туп ўрик неча йиллар ҳам қувончли, ҳам қайғули кунларимизга гувоҳ бўлган. Ёзнинг саратони, қишнинг изғиринидан бизни ҳимоя қилган. Энди-чи, энди...

Шу пайт қулаган дарахт шохлари орасида дилдираб турган ниҳолга кўзим тушди. Даст ўрнимдан турдиму уни авайлаб кўчириб олдим. Данагидан чиққан бўлса керак. Шу асно деб югургилаб набирам келди.

— Дода, нега ўрикни кесиб ташладингиз? Энди ўрик емаймизми?

— Нега ундай дейсан, ўрик еймиз, албатта, еймиз. Мана бу ундан ҳам ширин ўрик бўлади. Мағизидан данаги ширин дейишади-ку!

Набирам билан ниҳолни авайлаб кўчириб олиб, ҳовлининг четроғига ўтқазиб қўйдим. Кўнглимни беҳузур қилган фикрлар бир зумда тарқади. Зеро, мен эккан ниҳол эрта бир кун бўй чўзиб ҳосилга киради. Мевасидан фарзандларим, набираларим баҳраманд бўлади. Мен шунда ҳеч нарса ҳеч қачон беиз кетмаслигини яна бир карра ҳис қилдим.



**Асрор СУЛАЙМОНОВ**





# ОЛМА ВА БАЛИҚНИНГ ФОЙДАСИ

**Хотирани мустаҳкамлайди.** Британиялик олимларнинг сичқонлар устида ўтказган тажрибаларида олманинг хотирани мустаҳкамлаши аниқланди. Уларнинг фикрича, киши кунига уч дона олма истеъмол қилса, исталган ёшда хотираси мустаҳкам бўлиб, кексалик билан боғлиқ паришонхотирликнинг олди олинар экан.

Бундан ташқари, олма қон таркибидаги холестерин миқдорини ҳам камайтираркан. Олма таркибидаги пектин моддаси организмдан ортиқча холестерин чиқиб кетишига кўмаклашади. Кунига икки дона олма истеъмол қилиш қондаги зарарли холестерин миқдорини ўртача тўққиз фоизга камайтиради. Қолаверса, пектин моддаси қанд хасталиги пайдо бўлиши хавфини ҳам камайтиради.

## Соғлиғинг — бойлигинг...

Олма таркибидаги антиоксидантлар саратон хасталикларига қарши яхши ҳимоядир. Бироқ бунинг учун олмани фақат пўсти билан ейиш керак. Негаки, саратонга қаршилик кўрсата оладиган моддаларнинг аксарияти айнан олма пўстидадир.

**Умрни узайтиради.** Мунтазам равишда олма истеъмол қилувчилар олма емайдиганларга қараганда 17 йил узоқроқ яшайди. Бунинг боиси олма таркибидаги катехин полифенолида экан. Бу модда иммунитетни ошириб, қон айланишига самарали таъсир кўрсатади ва умуман юрак-қон томир тизимини яшартиради. Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, кунига бир донадан олма еб юрган кишиларнинг юрак-қон томир тизими олмани хушламайдиганларга қараганда 17 йилга ёш бўларкан. Олма тиш эмалини тозалаб, милкларни массаж ҳам қилади. Бироқ олмада органик кислоталар кўплиги боис улар тиш эмалини емириши мумкин. Шу сабабли олмани еб бўлгач, оғизни сувда чайган ёки сақич чайнаган маъқул.

Олма қанча нордон бўлса, демак, таркибида С дармондори шунча кўп бўлади. Агар олмаларни мум қоплаган бўлса, қўлингиз ёғланади, шу сабабли истеъмол қилишдан олдин уларни яхшилаб ювиш зарур. Агар олма ҳид таратмаса узоқ сақланган ва ширасини йўқотган бўлади.

**Ивитилган олмада дармондори кўп сақланади.** Бунинг учун текис олмаларни саралаб, яхшилаб ювиб, идишга қат-қат қилиб териб чиқиш керак. Бир литр сувга бир ярим қошиқ шакар, икки қошиқ асал, озгина туз солиб қайнатиб, сўнг совутилган сироп тайёрлаб олинади ва терилган олмалар устидан қуйилади. Олмалар устини оғир ёғоч кружка билан бостириб қўйинг. 3-4 кун ичида олма ўзига суюқликни сингдириб олгач, сироп сатҳи пасаяди. Яна сироп қуйиб олма устини суюқлик билан тўлдиринг. Суюқлик ёғоч кружка устидан 3-4 сантиметр кўтарилсин. 30-40 кундан сўнг олмалар тайёр бўлади.

**Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти** ҳафтасига икки-уч марта балиқ истеъмол қилишни тавсия этади. Чунки олимларнинг айтишича, балиқ саломатлик учун бетакрор неъмат. Тиббиёт фанлари номзоди Ч.Дербеневанинг таъкидлашича, ҳафтасига икки марта балиқ истеъмол қилувчиларда юрак хасталиклари пайдо бўлиш хавфи 30 фоизга камаяр экан.

Денгиз ва дарё балиқларининг асосий қиммати уларнинг гўшти таркибидаги ярим тўйинган омега-3 ёғ кислотаси. Бу модда қондаги липидлар ва холестерин миқдорини тартибга солиб, атеросклерознинг ривожланишига тўсқинлик қилади, бош мия, юрак ва қон томирлар ҳолатига самарали таъсир кўрсатади. Тўрт соат мобайнида ҳазм бўладиган ҳайвонот гўштларидан фарқли равишда балиқ таркибида 15 фоиз миқдорида организмга енгил сингадиган оқсиллар, шунингдек, йод, марганец, мис, рух, фтор каби моддалар алмашинуви учун бетакрор ноёб микроэлементлар мавжуд. Олимлар таъкидлашича, энг арзон балиқлар ҳам фойдали бўлиб, қатор хусусиятларига кўра қиммат навли балиқлардан қолишмас экан.

**Ренат Акчурин, академик, юрак жарроҳи:**

— Сўнгги пайтларда касал бўлмаслик ва узоқ яшаш имконини берадиган сирли неъматларни излаш урфга айланди. Ишонч билан айта оламанки, бундай неъмат амалда мавжуд эмас. Бироқ шунга қарамасдан фойдали маҳсулотлар, хусусан, юракка нафи бор таомлар, албатта, мавжуд. Юрак учун энг фойдали неъматлардан бири — балиқ. Ўтказилган клиник тадқиқотларда ҳафтасига икки марта балиқ истеъмол қилиш юрак хасталиклари ривожланишини 30 фоизга камайтириши исботланди. Балиқнинг яна бир ноёб хусусияти шундаки, унинг таркибидаги тўйинмаган ёғлар истеъмол қилинган маҳсулотлардаги зарарлар таъсирини йўққа чиқаради. Қуруқ мевалар, хусусан, ўрик ва майиз ҳам жуда фойдали. Улардаги юракка зарур микроэлементлар организмга енгил сингади.

40 ёшдан кейин гўшт маҳсулотларини умуман истеъмол қилмаслик, уларни аста-секин сабзавот, мева ҳамда бўтқалар билан алмаштириб бориш мақсадга мувофиқ.

**Интернет хабарларидан.**

**Беатрих ПОТТЕР**

# ҚУЁШ ВА АТИРГУЛ

Ўзим ўқийман

Кўркам боғда жуда чиройли атиргул ўсар, ҳар тонг қуёшни табассум билан қарши оларкан. Аммо бир куни қуёш ўзининг қадрдон дўсти — атиргулни маъюс ҳолда кўрибди.

— Ҳой, атиргул, нега бунча хафасан? — дебди қуёш гулга.

— Биласанми, қуёшжон, менинг гўзал япроқларимни бад-башара қурт ея бошлади. Шунинг учун қайғудаман, — деб жавоб берибди атиргул.

Қуёш атиргул учун чин дилдан хафа бўлибди. Шунда у:

— Атиргулнинг чиройи очилмагунча мен ҳам порламайман!, — дея булутлар орасига беркиниб олибди. Шамол бу ҳолни кўриб қуёшнинг ҳузурига келибди.

Эртак

— Қуёш бобо, нима учун бугун порламаяпсиз? — дея сўрабди.

— Бизнинг атиргул хафа. Унинг баргларини бад-башара қурт ея бошлабди. Токи атиргул кулмагунича, мен ҳам нур сочмайман, — деб жавоб берибди қуёш.

— Оҳ, атиргул учун мен ҳам хафаман. Энди мен ҳам у бахтиёр бўлмагунича эсмайман! — дея, шамол ҳам эсишдан тўхтабди.

Шамолнинг эсишдан тўхтаганини кўриб қушлар ажабланишибди ва шамолга шундай дейишибди:

— Жаноб шамол, нима учун эсмаяпсиз?

— Атиргулнинг япроқларини еяётган қуртни кўриб қуёш ҳам хафа бўлиб порламаяпти, мен ҳам унинг чиройи очилмагунча эсмайман, — дея жавоб берибди шамол.

— Биз ҳам атиргулни яхши кўрамиз. Энди биз ҳам у ўзини бахтли ҳис этмагунча сайрамаймиз, — дея қушлар ҳам сайрашдан тўхтабди.

Чора излаб қушлар тўсатдан боғда донлаб юрган товуқни кўриб қолишибди ва унинг ёнига боришибди.

— Нима учун куйламаяпсизлар? Ҳаммаларинг қайғуда? — дебди товуқ ажабланганча.

— Атиргул ғамга ботган. Унинг япроқларини қурт кемирмоқда. Шу сабаб қуёш порламаяпти, шамол эсмаяпти. Биз ҳам шунинг учун сайрамаяпмиз! — деб жавоб берибди қушлар.

— Наҳотки! Агар сиз атиргулга ёрдам беришни истасангиз, мени унинг қошига олиб боринглар, — дея товуқ қушларга эргашибди. Қушлар уни атиргулнинг ёнига олиб боришибди. Кекса товуқ гулга қараб ҳеч қандай савол бермабди. Унинг япроқларидаги кичкина қуртни кўргани ҳамон чўқиб еб қўйибди.

— Ана бўлди! Атиргулга ёрдам бердим, баҳонада мазали нонушта ҳам қилиб олдим, — дея товуқ ҳамманинг қувончини қайтарибди.



**Инглиз тилидан**
**Вазира ИБРОҲИМОВА**
**таржимаси**


## Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бўш (вакант) ўринларга кафедралар бўйича кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади

«Чолғу ижрочилиги» кафедрасига кафедра мудири (1), «Мусиқали, драматик театр ва кино санъати» кафедрасига профессор (1), «Тиллар ва адабиёт» кафедрасига доцент (1), «Санъатшунослик ва маданиятшунослик» кафедрасига катта ўқитувчи (1), «Эстрада ва оммавий томошалар санъати» кафедрасига катта ўқитувчи (1), «Информатика ва табиий фанлар» кафедрасига ўқитувчи (1)

**Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1.Ректор номига ариза;
2.Ишловчининг шахсий варақаси;
3.Маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
4.Паспорт нусхаси;
5.Илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда);
6.Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
7.Меҳнат дафтарчасининг нусхаси.

**Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.**

*Манзил: 100164, Тошкент шаҳри, Яланғоч даҳаси, 127 «а»-уй.*
*Телефонлар: 230-28-02, 230-28-11.*


# ТИЛСИЗ ЁВДАН САҚЛАНИНГ!

Ҳар йили республикамизда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш учун барча соҳаларда ташкилий ишлар амалга оширилади. Бу жараён, айниқса, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари олдига ҳам қатор вазифаларни юклайди. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ва газлар атмосферага кўтарилиб, мусаффо ҳаво таркибини булғайди. Энг ачинарлиси, ёнғинлар кўплаб инсонларнинг жароҳатланишига ва ҳатто ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлиши мумкин.

Бунинг олдини олиш мақсадида, Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхона, ташкилот, муассаса ва бошқа манфаатдор идоралар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида газ ва электр энергиясидан тўғри ва оқилона фойдаланиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш юзасидан кенгайтирилган йиғилишлар ўтказиб келинмоқда. Куз-қиш мавсумида турар жойларда иситиш мосламаларидан фойдаланиш ҳоллари кўпайишини инобатга олиб, газ плитасини ўзбошимчалик билан бошқа жойга кўчириб ўтказиш, резина шланг орқали улаб ишлатиш, қўлбола ясалган электр иситиш ускуналаридан фойдаланиш бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши тўғрисида аҳоли огоҳлантирилмоқда. Бундан ташқари, айни вақтда республикамиз ҳудудига кириб келаётган хорижда ишлаб чиқарилган газ иситиш печларининг меъёр талабларига жавоб бермаслиги, улардан фойдаланиш натижасида газ иси чиқиб, одамларни заҳарлаши мумкинлиги ҳақида аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ёнғин ортидан келиб чиқувчи салбий ҳолатларнинг олдини олиш, шунингдек, давлат мулкини кўз қорачиғидек асраш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Бобомурод САБИРОВ,**
**12-ҲЁХО катта инспектори кичик сержант**

# ОГАҲИЙГА ЭҲТИРОМ

Тадбир

Мумтоз шоиримиз Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий таваллуд топган 17 декабр куни Хоразмда огаҳийхонлик тадбирлари бўлиб ўтди. Дастлаб шоирнинг Хива шаҳри яқинидаги қабри зиёрат қилиниб, ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Воҳа ижодкорлари ва ёш қаламкашлар Огаҳий боғ-музейида улуғ шоирнинг ҳаёти ва ижоди борасида маърузалар қилишди. Сўнгра Хива педагогика касб-ҳунар коллежида огаҳийхонлик, назм ва наво кечаси давом этди.

Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма театрида шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда Ошиқ Эркин, Комил Аваз, Қурбон Муҳаммадризо, Гавҳаржон Ибодуллаева, Сотим Аваз, ёш ижодкорлар сўзга чиқиб улуғ шоир ғазалларидан ўқидилар. Санъаткорлар ижросидаги Огаҳий ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар барчага манзур бўлди.


МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93
Электрон манзилимиз: uzas@mcs.uz
*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86*
*Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42*
*Санъат бўлими: 233-56-40*
*Назм ва наср бўлими: 233-58-60*

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб – Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Барно СУЛТОНОВА
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 21.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4214 Буюртма Г — 1244. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X